

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Иқтисодий жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашишни ташкил этиш ”
кафедраси**

**“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси
ДАМИНОВ РУСТАМ БАХТИЁР ЎҒЛИНИНГ**

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Б.Э. Каюмов

Илмий маслаҳатчи: В. Каримов (ю.ф.д. проф)

ТОШКЕНТ – 2022

Аннотация. Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноялар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хуфёна иқтисодиётни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири, бу жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ҳисобланади. Жиноий йўл билан олинган даромадларнинг асосий қисми назоратни четлаб, савдо-сотик муомаласига киритиш йўли билан легаллаштирилади.

Мазкур диссертацияда жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ва ушбу жиноятнинг квалификацияси билан боғлиқ масалаларга нисбатан турли олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Аннотация. В мире особое внимание уделяется борьбе с преступностью, назначению наказания на основе принципа справедливости за преступления, совершаемые судами, либерализации уголовного законодательства. В частности, большое внимание уделяется установлению ответственности за легализацию доходов, полученных преступным путем, и предупреждению ее причин и условий, надлежащей квалификации данного преступления и повышению ответственности за его совершение, усилинию имплементации международных стандартов в национальное законодательство.

Одним из основных факторов, создающих теневую экономику, является легализация доходов, полученных преступным путем. Основная часть преступных доходов легализуется путем обхода контроля и ввода их в коммерческий оборот.

В диссертации анализируются взгляды и мнения различных ученых на понятие отмывания денег и вопросы, связанные с квалификацией этого преступления.

Annotation. In the world, special attention is paid to the fight against crime, the imposition of punishment on the basis of the principle of justice for crimes committed by the courts, the liberalization of criminal legislation. In particular, much attention is paid to establishing liability for the legalization of proceeds from crime and preventing its causes and conditions, proper qualification of this crime and increasing liability for its commission, and strengthening the implementation of international standards in national legislation.

One of the main factors creating the shadow economy is the legalization of proceeds from crime. The main part of criminal proceeds is legalized by circumventing control and putting them into commercial circulation.

The dissertation analyzes the views and opinions of various scientists on the concept of money laundering and issues related to the qualification of this crime.

М у н д а р и ж а

Кириш.....	3-9
I БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	10-31
1.1.-§. Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ва назарий асослари	10-16
1.2.-§. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятигининг криминологик жиҳатлари	16-31
II БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	32-51
2.1.-§. Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятигининг предмети, объектив ва субъектив белгилари	32-40
2.2.-§. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	40-51
III БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	52-79
3.1.-§. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро стандартлар	52-64
3.2.-§. Хорижий давлатлар қонунчилигига жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари.....	64-79
Хулоса	80-85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86-91
Илова.....	92-111

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг кенг ҳажмлилиги, унинг давлатга ва жамиятга етказаётган зарари мазкур мавзунинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади. Шунингдек, бу қилмиш жамиятда коррупция иллатлари, молмулкни оғшор зоналарни ишлатган ҳолда олиб чиқиб кетиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан фойдасини яшириш ва солиқлардан бўйин товлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар асосан валюта билан боғлиқ ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда нақд пулсиз тўловларнинг қўпайишига қарамасдан, нақд пул бутун дунё бўйлаб ҳисоб-китобларнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Барча мамлакатларда тахминан 4 триллион АҚШ долларини яни 46% дан 88% гача бўлган пул операциялари нақд пулда амалга оширилади¹.

Хусусан, статистикага назар ташлайдиган бўлсак, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти йиллар кесимида олиб қаралганда, 2018 йилда 422 та, 2019 йилда 397 та, 2020 йилда 439 та, 2021 йилда 456 та ва 2022 йилнинг 6 ойи давомида 218 тани ташкил этганлигини кўриш мумкин².

Дунёда халқаро ҳамжамият, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш энг кенг тарқалган ва хавфли трансмиллий жиноятлардан бири деб топилган. Замонавий дунёда жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришда ортиб бораётган жамоат хавфи дунё ҳамжамиятидаги мамлакатларнинг аксариятини ташвишга солмоқда. Жаҳон молиявий тизимининг глобаллашуви шароитида пулларни легаллаштиришга қарши

¹ Шомирзаев.С – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашища божхона органларининг рўли” International scientific-online conference: “INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM” PART 17, 25.04.2022

² Бош прокуратуранинг “1-Я” хисоботидан.

курашишдаги давлатлар саъй-ҳаракатларини халқаро миқёсда мувофиқлаштириш зарурати туғилади. Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, Ушбу жиноятни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шу нуқтаи назардан “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, трансмиллий жиноятлар учун жиноий-хуқуқий жавобгарликни жорий этиш” суд-хуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқоти 2018 йил 14 майда қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли, 2020 йил 10 августда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли, 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласи.

Шу жумладан, юртимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш соҳаси ҳозирги пайтда 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентабрдаги Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идораларо комиссияни ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3947-сонли қарори ҳамда бошқа Ушбу соҳада норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда.

Зеро, Ушбу масалада Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (Financial Action Task Force on Money Laundering — FATF) 2020 йилда Ўзбекистонга ташриф буюриши ва баҳолаши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ўзгаришлардан сўнг Президентимиз томонидан 2021 йил 28 июнда қабул қилинган ПФ-6252-сон фармонига кўра, юртимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Тадқиқотнинг обьекти жиноий даромадларни легаллаштиришни квалификация қилиш ва уларнинг криминологик жиҳатларини аниқлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик белгиланган хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг мақсади миллий қонунчилиқда кўрсатилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш масалалари, мазкур жараёнда мавжуд тизимнинг самарадорлигини ошириш йўлларини тадқик этишдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчасини таҳлил этиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ёритиш;
- жиноят қонунчилигидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тизимлаштириш ва уларни таҳлил этиш;
- мазкур жиноятнинг криминалогик тавсифини шакллантириш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ҳолати бўйича имкониятларин илмий таҳлил этиш;
- жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги халқаро актларни таҳлил этиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини ўрганиш;
- жиноий даромадларни легаллаштиришда халқаро ҳамкорликка оид қонунларни таҳлил қилиш ва унинг натижалари бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганликда юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларини ўрнатувчи меъёрларни киритмоқликни зарурлиги асосланган;

Жиноят кодексининг 243-моддаси ва сарлавҳасида, шунингдек, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни

молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонунининг номи ва таркибий қисмларида құлланилган “жиной фаолият” сүзлари үрнига “жиной йўл билан” иборасини қўллаш зарурлиги асослаб берилган;

Жиноят кодексининг 243-моддасига янги таҳирдаги иккинчи ва учинчи қисмларни (тоифаловчи белгилар билан тўлдирган ҳолда) қўшишни зарурлиги асосланган;

“оммавий мансабдор шахс” атамасини қонун ҳужжатлари билан қайд этиш ва оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаб, кенгайтирилган мониторинг ўтказиш чоратадбирларини белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

«Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш зарурати асослаб берилган;

Ушбу жиноят тұғрисидаги суд қарорларини умумлаштириш ва таҳлил қилишнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан даврий амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар асослаб берилган ва қабул қилинган;

жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши куаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

Ушбу жиноятнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва бирлаштириш зарурияти асослаб берилган.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришниг жиноий хуқукий, криминологик ва криминалистик, халқаро-хуқукий масалари бўйича маҳаллий тадқиқотчилардан Ж.Нематов, Ж.Ш.Нарзиев, И.М.Мирзараимов, М.Х.Рустамбоев, Н.С.Салаев, Г.З.Тулаганова ҳамда Ф.М.Фозиловлар илмий изланишлар олиб борганлар. Шунга қарамасдан республикамизда жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятчилигига қарши кураш соҳасини халқаро стандартларга мослаштириш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг халқаро-хуқукий муаммолари тўғрисида ғарб олимлари И.А.Киселев, Е.С.Леханова, Г.Готтселиг, П.Глисон, П.Лилли, Х.Х.Кернер ва Э.Дахнинг, шунингдек, ҳамдўстлик давлатлари доирасида А.Г.Волеводз, А.К.Бекряшев, А.Васильев, А.И.Алешкин, В.В.Меркушин, В.Д.Ларичев, В.М.Алиев, В.А.Абаканова, Д.Б.Жамбалов, И.А.Клепицкий, И.П.Белозеров, И.Л.Третьяков, И.С.Тумаков Н.Зелинская, Ю.Г.Васин, С.Б.Чернов ва Я.М.Зложенконинг тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур Магистрлик диссертацияси юқоридаги илмий ишлардан энг аввало жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги миллий қонунчилик аҳволи ва уни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари қўшиб ўрганилганлиги, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ғарбий мамлакатларда фаолият юритувчи П.Бернаскони, К.Мюллер, Ж.Робинсон, К.Коттке, М.Делмас-Марти, В.Гилморе, Ф.Уилямс каби бир қатор хорижий экспертларнинг монографиялари ва тадқиқот ишларига ҳам эътибор қаратганлиги билан ажralиб туради.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқот ишида қатор методлар, хусусан умумий методлардан индуксия ва дедуксия, анализ ва синтез, мантиқий метод, статистик каби методлардан, шунингдек маҳсус-юридик методлардан қиёсий-хуқукий таҳлил методи, тизимли-функционал метод, формал-мантиқий методлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, мазкур магистрлик диссертацияси натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимининг ривожланишига муайян хисса қўшади. Шунингдек, мазкур изланишлар асосида ишлаб чиқилган хulosалардан илмий тадқиқотларни олиб бориша, юридик олий ўқув муассасаларида иқтисодий жиноятларга қарши курашишга оид модулларни ўтиш ҳамда монографиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари, диссертация жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимини амалий жиҳатдан сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда уни бугунги замон талабларига мослаштиришга хизмат қиласди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация таркиби кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 80 бетни, иловалар 38 бетни ташкил этади.

И БОБ. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ва назарий асослари

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сонли қонунининг 3-моддасида асосий тушунчалар шарҳлаб ўтилган бўлиб, унга кўра “**жиноий фаолиятдан олинган даромадлар** — бу жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулқдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк”, “**жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш** эса— пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, худди шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш”¹ бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, 1988 йил 20 декабрда тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сонли қонуни//(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

ноқонуний айланишига қарши Вена конвенциясида жиноий даромадлар мол-мулк сифатида белгиланганлиги қайд этилган “Ҳар қандай, моддий ёки номоддий, кўчар ёки қўчмас, мулкий ёки номоддий активлар, шунингдек бундай активларга ёки уларда қатнашиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар ёки актлар”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида Жиноий даромадларни легаллаштириш таркибини тавсифловчи “пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк” тушунчалари қўлланилади.

Хусусан, тадқиқотчи Ф.Фазилов “халқаро ҳуқуқни таҳлил қилиш ва хорижий давлатлар тажрибасига асосланиб, ўз диссертацияда “мулк” тушунчасини “пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк”¹ сўзлари билан алмаштириш кераклигини таъкидлаган.

Юқоридаги фикрлардан фарқли равишда профессор М.Рустамбоев жиноий фаолиятдан олинган даромад деганда, шахс жиноят содир этиш натижасида, масалан: контрабанда, наркотик моддалар, қурол билан савдо қилиш, ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб олган даромад тушунилади. Шунингдек, муаллиф ўз фикрини давом эттириб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ўтказиши деганда, жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари билан банкларда қандайдир молиявий операциялар амалга оширишни, айлантириши деганда, ҳар қандай фуқаро ҳуқуқий битим: олди-сотди битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилиш ёки иш олиб боришига сарфлашни, алмаштириши деганда эса, сўмнинг ҳар қандай хорижий валютага конвертациясини тушуниш² мумкинлигини таъкидлаб ўтган.

¹ Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. 331-бет.

Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси илк бор "Money Laundering" (пул ювиш) атамаси остида XX асрнинг 20-йиллари охиrlарида АҚШда пайдо бўлиб, кейинчалик, 80-йилларда "гиёхвандлик воситалари савдосидан тушган ноқонуний даромадларни легаллаштириш"¹ маъносини англатувчи тушунча сифатида кенг тарқалган.

1982 йилда АҚШда "пул ювиш" атамаси фуқаролик иши бўйича суд қарорида биринчи маротаба қўлланилган бўлиб, Ушбу суд иши бўйича жавобгар шахснинг Молинс банкидан Сонали банкига ўтказган пуллари унинг ноқонуний фаолияти оқибатида топилган деган тўхтамга келинган. Суд ўз қарорида қўллаган "пул ювиш" терминига ойдинлик киритмаганига қарамай тадқиқотчилар бунга жиноят оқибатида топилган даромадни қонунийлаштириш дея таъриф беришган².

Биринчи маротаба 1984 йилда уюшган жиноятчилик бўйича АҚШ президентлик комиссияси томонидан қуидагича тушунча ишлатилган: "пулни ювиш – бу даромадларнинг мавжудлиги, ноқонуний келиб чиқиши ёки ноқонуний ишлатилишини яшириш, кейин эса бу даромадларга гўёки қонуний тарзда тус берилиши жараёни"³ бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ доирасида олиб қаралганида, БМТнинг 1988 йил 19 декабрдаги "Наркотик ва психотроп воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида" ги Вена конвенциясининг 3-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси бериб ўтилган бўлиб, унга кўра наркотик воситаларининг ноқонуний муомаласидан келиб тушган пуллар жиноий фаолиятдан олинган даромад бўлиб ҳисобланади.

Ю.В.Короткованинг фикрича, "жиноий даромадларни легаллаштириш – бу ноқонуний келиб тушган даромадлар асосида турли хил кўринишларда

¹ Oswald K. Die Implementation gesetzlieher Maßnahmen zur Bekämpfung der Geldwäsche in der Bundesrepublik Deutschland. Freiburg . Br. 1997. S. 7.

² Корчагин О.Н., Колесников К.А. Организация противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, в том числе от незаконного оборота наркотиков. И.И.Батыршина. Москва. 2013 9-б.

³ Корчагин О.Н. Административно-правовые основы противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, в Российской Федерации. Москва – 2010, 8-9 б.

тузилган битимлар, қонуний тус берган ҳолда иқтисодий фаолиятга киритилган инвестициялар ҳақидаги маълумотларнинг қасдан яширилиши жараёнидир”¹.

И.Л.Третяковнинг хulosса қилишича, “жиноий фаолият натижасида келиб чиқсан мол-мулкни легаллаштириш – бу негатив ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг асосида жиноий даромадларнинг келиб чиқиш ва асосий тегишлилик манбаалари, унга тўғридан-тўғри ёки бевосита алоқадор бўлган эгалик қилиш, фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар шахсга аён бўлган ҳолда барча маълумотлари яширилади, Ушбу даромадларга нисбатан турли кўринишдаги легаллаштириш тузи берилади”².

Куйида бир нечта Европа давлатларининг қонунчилигига “жиноий даромадларни легаллаштириш” тушунчасининг тўғридан-тўғри номланишини кўриб танишишимиз мумкин: Австрия (ЖК 165-м) «Geldwäscherei», Германия (ЖК 261-м) «Geldwäscherei», Швецария (ЖК 365-м) «Geldwäscherei», Италия (ЖК 648-м) «Riciclaggio», Франция (ЖК IV-боб) «Du Blanchiment».

Юқоридагилардан фарқли равища, “легаллаштириш” тушунчasi С.И.Ожегованинг изоҳли луғатида бирор бир ташкилот ёки муассасанинг қонуний фаолиятига рухсат бериш, қонуний тус бериш каби таърифланганлигини кўриш мумкин³.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ЖК 243-моддаси “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” дея номланган бўлиб, Ушбу модданинг диспозициясида ҳам худди шу жумладан фойдаланилганлигига гувоҳи бўламиз. Бундан ташқари, ЖКнинг асосий тушунчалар изоҳи берилган бўлимида ҳам юқоридаги тушунчанинг батафсил таърифи берилмаган.

¹ Коротков.Ж.В. Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с легализацией (отмыванием) незаконных доходов. Москва – 2018 9-б.

² Третяков И.Л. Уголовно-правовые и криминологические меры борьбы с легализацией полученных преступным путем. Москва – 2002. 43-б

³ Ожегов С. И. Словарь русского языка. М., 1960 // <http://www.ozhegov.su>.

Бу эса Кодекснинг 243-моддаси мазмунини англашда ва “жиноий фаолиятдан олинган даромадлар” тушунчасининг моҳиятини таҳлил этишда тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Жиноят кодексида жиноий даромадлар тушунчаси мазмунига аниқлик киритиш мақсадида ЖКда таъриф бериб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда **жиноий фаолиятдан олинган даромадлар тушунчасига қўйидаги муаллифлик таърифини беришни таклиф этамиз:**

Жиноий фаолиятдан олинган даромад – бу шахс жиноят содир этиши натижасида яъни, контрабанда, наркотик моддалар, қурол билан савдо қилиши, гайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб олинган даромади, унга кўрсатилган турли хил номоддий хизматлар ёки бошқа мол-мулклар бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддаси қўйидагича сарлавҳага эга: “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (пулни ювиш)”¹.

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 174-моддаси “бошқа шахслар томонидан жиноий йўл билан олинган пул ёки бошқа мол-мulkни қонунийлаштириш (ювиш)”² деган сарлавҳа остида келишини гувоҳи бўламиз.

Қизиқарли жиҳати шундаки, РРнинг Жиноят кодекси “шахснинг жиноят содир этиши натижасида олинган пул ёки бошқа мол-мulkни қонунийлаштириш (ювиш)”³ номли қўшимча 174¹-моддага эгадир.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, модданинг сарлавҳасида бир вақтнинг ўзида «пулни тозалаш» ва «легаллаштириш» атамаларидан фойдаланиш лозимлиги аниқланди. «Жиноий даромадларни легаллаштириш» атамаси халқаро хуқуқий доирага кириб борган ва хаттоки Европа Кенгашининг Жиноий

¹ https://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31575252

² http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

³ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, мусодара қилиш ва хатлаш тұғрисидаги конвенциясида (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь) ва халқаро ҳамжамиятнинг күплаб ҳужжатларида қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида иккита атамани ишлатиш тажрибаси, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг Жиноят қонунчилигига мавжуд.

Шунингдек, МДХ мамлакатларининг Жиноят кодексида келтирилган моддаларни кузатар эканмиз, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 218-моддаси сарлавҳаси “Легализация (отмывание) денег и (или) иного имущества, полученных преступным путем”¹ яъни, “жиноий йўл билан топилган пул ёки бошқа мол-мулкни легаллаштириш (ювиш)” дея номланганлигини гувоҳи бўламиз.

Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси 259-моддасини кузатар эканмиз, Ушбу модда “Приобретение имущества противоправным путем”² яъни, “қонунга хилоф равища бойлик орттириш” деб номланади.

Худди шу каби, ГФР Жиноят кодекси “Отмывание денег; укрывательство незаконно полученных имущественных выгод”³ “пул ювиш, ноқонуний орттирилган моддий маблағларни яшириш” деб номланган 261-моддасига ҳам эгадир.

Хусусан, “жиноий фаолиятдан” сўзлари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш таклифи юзасидан сўровнома ўтказилганида респондентларнинг 72,4 % и “ха, қўшиламан, “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки, хорижий давлатлар қонунчилигига ҳам шундай қўлланилган дея жавоб берган бўлсалар, 24,5 % и “жиноий фаолият” сўзларининг ўзи қолгани маъқул, деган жавобни беришган.

¹ https://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31575252

² https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.htmlc

³ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html

Иштирокчиларнинг 3,1 % и эса ушбу саволга бетарафлик йўли билан муносабат билдиришмаган¹.

Шу жумладан, ю.ф.ф.д Ф.Фазилов ҳам “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси ва сарлавҳасида “жиноий фаолият” ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш” лозимлигини ўз тадқиқот ишида асослаб ўтган².

Маълумки, “жиноий фаолият” атамаси миллий қонунчилигимизда акс этмасдан “жиноят” тушунчасини билдиради. Шунингдек, “жиноий фаолият” атамасини икки ва ундан ортиқ жиноятлар, шу билан бирга мунтазам равища содир этилувчи жиноятлар сифатида талқин этиш мумкинлиги билан боғлиқ бир қатор ҳадиклар ҳам йўқ эмас. Концептуал аппаратни умумлаштириш мақсадида МДҲ давлатлари ва Евроосиё гурӯҳи амалиётини инобатга олган ҳолда “жиноий йўл билан” атамасини қўлламоқлик тавсия этилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг қоидаларига мос равища жиноят аломатлари ҳақида хабар берувчи маълумотларнинг етарлилиги тегишли тартибдаги ваколатли органлар томонидан белгилаб берилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “жиноий фаолият” тушунчасини “жиноий йўл билан” тушунчасига ўзгартириш мақсадида ЖКнинг 243-моддасини янги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз³.

1.2. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг криминологик жиҳатлари

Хуфёна иқтисодиётни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири, бу жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ҳисобланади.

¹ Батафсил: Диссертация иши доирасида терговчи, судья, прокурор, адвокат, суриштирувчи ва бошқалар ўртасида ўтказилган Сўровнома натижалари таҳлили. З-Илова.

² Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-хуқукий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

³ Шу диссертациянинг II-бобида батафсил ёритилган.

Жиноий йўл билан олинган даромадларнинг асосий қисми назоратни четлаб, савдо-сотиқ муомаласига киритиш йўли билан легаллаштирилади.

Қонунда жиноий йўллар билан топилган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни белгиланганлиги, у энг аввало, уюшган жиноятчиликка қарши курашни, Ушбу жиноятчиликнинг молиявий асосларига зарба бериш мақсадида амалга оширилади. Ушбу муаммо барча давлатлар учун бирдек долзарб бўлиб қолмокда. Қонунга хилоф равища топилган пулларни легаллаштиришнинг қуидаги салбий оқибатларига алоҳида эътибор бериш зарур деб, ўйлаймиз. Бу қилмиш жиноятчиларнинг жазодан қутилиб қолиш мумкинлиги ҳиссини вужудга келтиради. Бу эса жиноятни, айниқса, уюшган жиноятчиликни ёқимли машғулотга айлантиради, оқибатида эса жамиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосини емиради, ҳуқуқий нормаларга таҳдид солади. Жиноий ташкилотлар ўзларининг келажакдаги фаолиятларини молиялаштириш имкониятига эга бўладилар; Жиноий ташкилотлар томонидан айрим молиявий муассалардан назоратсиз фойдаланиш, охир оқибатда молиявий тизимга катта зарар етказади. Бундай зарар, айниқса, иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар учун хавфлидир. Иқтисодий ва молиявий жиноий ташкилотларда жамланиши оқибатида Ушбу давлатларнинг иқтисодиёти, ҳокимиятнинг демократик тизими ва бошқаруви издан чиқарилиши мумкин.

Жиноятчилар қурол-яроғлар, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси, контрабанда, талон-тарожлар, қимор ўйинлари, аудио-видео ва бошқа қонунга хилоф фаолиятлари натижасида олинган жуда катта миқдордаги маблағларга қонуйй тус бериш мақсадида, уларни легаллаштиришга, муомалага киритишга ҳаракат қиласилар.

Бундай йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш усуллари турличадир. Қонунга хилоф равища олинган нақд пуллар ва бошқа

қимматликлар, масалан, банккка қўйилиши ёки кўчмас мулкка сарфланиши мумкин. Кўчмас мулк кейинчалик сотилади ва бу пуллар қонуний тус олади¹.

Айрим ҳолларда пулларни легаллаштириш мақсадида тижорат билан шуғулланувчи сохта ташкилотлар тузилади. Қонунга хилоф йўллар билан топилган маблағларни легаллаштиришда банклар катта роль ўйнайди.

Шу сабабдан ҳам банк операцияларининг қонунийлиги, банк фаолияти билан боғлик ҳукуқбузарликлар устидан прокурор назоратининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир².

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштиришга қарши кураш жиддий муаммо ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги маъмурий буйруқбозлик режали тақсимлаш ўрнини, товар-пул муносабатларини молиявий иқтисодий бошқариш механизмини эгаллаш тадбиркорликнинг ривожланиши ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашувида товар тақчиллигининг йўқотилиши, яъни мулкдорлар қатламининг юзага келиши ўтиш даврининг мухим хусусиятларидан биридир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти сабабларини ўрганишда легаллаштиришнинг усулларига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бу усуллар бевосита порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, коррупция, таъмагирлик, одамларни гаровга олиш, молиявий фирибгарлик, терроризм ва бошқа жиноятларни содир этилиши билан боғлиқдир³.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашувчи давлат органларининг маълумотларига кўра бугунги кунда мазкур жиноят қуйидаги усуллар билан амалга оширилмоқда: молиявий операциялар; олди-сотди

¹ Афанесьев Н.Н. Преступление в сфере экономической деятельности. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. М. 1998. С 290-291.с

² Волженкин Б.В. Экономические преступления. С 57.

³ Бухарев В.Б., Трунцевский Ю.В., Шулепов Н.А. Зарубежный опыт в сфере правового регулирования противодействия легализации (отмыванию) доходов, приобретенных преступным путем// Международное публичное и частное право. 2007. №4

битими, зайдім (қарз), кредитлаш; ишбилиармөнлик фәолияти; қалбаки иқтисодий фолият (сохта фирма ва корхона очиш). Уларнинг классификацияси: шахсий ёки “тўда” манфаати учун даромад олиш мақсадида давлат идоралари мансабдор шахсларининг савдо-сотик фәолиятида қатнашиши; давлат маблағларини савдо-сотик тизимиға кўчириш (“перекачка”) ва уларни нақдлаштириш (“обналичивание”); давлат ресурсларини жалб қилган ҳолда ўз «тўда»сининг (сиёсий, диний, миллий) манфаати учун имтиёз яратиш; шахсий ёки “тўда” манфаати йўлида оммавий ахборот воситаларига таъсир ўтказиш; давлат хизматчилари томонидан савдо-сотик тизимидағи асосан яқин қариндошлари номига расмийлаштирилган сохта фирмалардан фойдаланиш; шахсий манфаат кўриш мақсадида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ахборот найрангини ишлатиш (ахборотни бузиб кўрсатиш, ҳужжатларни бериш муддатини атайлаб чузиш ва б.); тўғридан тўғри шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда бюрократик «рэкет» яъни бошқа савдо-сотик тизимиға, сиёсий партияларга ва жамғармаларга маблағ ўтказишда улардан таъмагирлик қилиш; маълум гурух манфаати учун норматив ҳужжатларни қабул қилишда жонбозлик кўрсатиш; айрим номзодларнинг сайлов жамғармасига давлат ресурслари ҳисобидан маблағ ажратиш¹. Шунингдек, қуйидаги усулларни қўшиш мумкин: ўз даромадининг ҳақиқий манбасини яшириш мақсадида бўлган шахслар томонидан хайрия жамғармаларини очиш ва ўз пулларини яширин ҳолда ўзининг фондига ҳадя қилиш; республика худудида легаллашган хўжалик юритувчи субъект ташкил этиб уларга савдо-сотик учун назорат қилинмайдиган маблағ киритиш; хусусийлаштиришда қатнашиш (ноқонуний йўллар билан йирик обьектларни сотиб олиш, йириқ, бозори чаққон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларининг катта улушини сотиб олиш); амалга оширилаётган ноқонуний операцияларни яшириш учун юқори самарали корхона кўринишидаги

¹ Безценный А.П. Постатейный практический комментарий к Федеральному закону от 7 августа 2001 г. №115-ФЗ «О противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма» для работников кредитных организаций. М., 2005. С. 19-20.

ишбилиармонлик қобигини яратиш; сохта хисоб рақамлари орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; банк механизмлари, мураккаб молиявий муносабат ва пул маблағлари ҳаракатидан фойдаланиш; инвестиция фаолияти; оффшор ва бошқа фирмалардан фойдаланган ҳолда нақдлаштириш.

“Легаллаштириш” жиноятини содир этган жиноятчининг шахси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Улар давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятда қатнашувчи шахслар бўлиб, депутатлар, вазирлик ва бошқа давлат идоралари, турли мулк шаклидаги корхона директорлари, иқтисодчилари, бухгалтерлари, ишбилиармонлик тизими раҳбарлари, божхона, банк, солиқ хизмати хизматчилари ва бошқалар бўлиши мумкин¹.

Ҳозирги кунга келиб, жиноий даромадларни «легаллаштириш» бўйича операциялар халқаро характер касб этмоқда. Ашаддий жиноятчилар халқаро миқъёсда нафакат янада кенгроқ бозорларни эгаллашга интилмоқдалар балки уларни фош бўлмаслигига давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўқлиги ва қонунчиликдаги айrim муаммолар уларга ҳар томонлама имкониятлар яратади. Шунинг учун миллий чегаралар кўп ҳолларда легаллаштириш жинояти учун тўсик бўлмасдан, балки кўмаклашувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айrim жиноий ва криминал гурухлар, халқаро қонунчиликдаги бўшликлардан фойдаланган ҳолда, жаҳон бозорида ўзларининг ноқонуний фаолиятларини амалга оширмоқдалар ҳамда халқаро легаллаштиришга жалб этилмоқдалар. Криминал даромадларни легаллаштириш учун улар занжирнинг бўш халқаларини танламоқдалар, яъни шундай давлатлар танланмоқдаки, у ерда банк сирларини сақлашга қаттиқ риоя қилинади, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эса банк фаолияти устидан назорат самарасиз ёки умуман мавжуд эмас².

Қоида тариқасида, кўрсатиб ўтилган давлатларнинг ҳукуматлари халқаро ҳамкорлик ва инвестициядан манфаатдор бўлиб, уларнинг молиявий

¹ Волженкин Б.В. Экономические преступления. С. 109.

² Волошко А.И. Взаимосвязь норм внутри государственного и международного права по обеспечению и защите личных и политических прав человека. Дис. на соискание уч. ст. канд. юрид.наук.-М., 1992.-с. 55.

тизимиға қўйилаётган сармояларнинг келиб чиқиши манбасига эътибор қаратмайдилар. Шундай йўллар билан легаллашган пуллар халқаро молия бозорига кириб боради. Кўп ҳолларда фаол ишчанлик фаолияти ортидан топилган соф даромадлар ноқонуний легаллашган маблағ билан қоришиб кетади ва соф даромад сифатида баён этилади. Аксарият бундай ҳолларда нақд пулга савдо ва хизмат кўрсатувчи (ресторанлар, бар, тунги клублар, магазин, супер маркетлар, бозорлар в.б.) корхоналарни жиноятчилар бошқарадилар. Бундай корхоналардан олинган даромадлар ноқонуний йўллар билан топилган пуллар билан аралашиб кетади ва ҳеч қандай шубҳа ўйғотмаган ҳолда банқдаги ҳисоб рақамларига келиб тушади.

Кундалик банк операцияларидан ташқари “яширин” банк операциялари ҳам кенг ёйила бошлади. Банкларда криминал операцияларининг қўйидаги турлари мавжуд: рухсатномасиз банк фаолияти; ноқонуний валюта операциялари; ноқонуний йўллар билан топилган пулларни легаллаштиришда қатнашиш; криминал фаолиятни кредитлаш. Банк тизими, унинг нормал фаолият олиб боришига, рўйхатдан ўтмасдан ёки маҳсус рухсатномасиз ёхуд рухсатнома олиш шартларини бузиб банк фаолиятини амалга ошириш сезиларли зиён етказади. Ноқонуний даромадларни легаллаштириш имконияти жиноий капитални жиноятчиликни янада ривожлаштириш учун сарфлашга шарт-шароит яратади¹.

Шундай қилиб, банк тизими янги криминал ходиса – жиноий фаолиятни молиялаштирни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Банклардаги шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилган легаллашган пуллар жиноий уюшмалар таъминотига, мансабдор шахсларни сотиб олишга ва буюрма қотилликларни амалга оширишга йўналтирилади.

Экспертлар фикрига кўра жиноий бизнесдан олинган маблағлар куйидаги йўллар билан легаллаштирилади: банкларнинг низом жамғармаларига ҳамда қимматбаҳо қоғоз ва аҳолининг пул омонотлари

¹ Годовой отчет Специальной финансовой комиссии по проблемам отмывания денег за 1998-1999 гг. Приложение. Париж, 1999. С. 16-18.

билин операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга киритиш; қўшма корхоналарнинг низом жамғармаларига киритиш; қўчмас мулкка киритилади; қаттиқ валютага конвертация қилиниб чет эл банклари ҳисоб рақамига ўтказилади¹.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири, бу хуфёна иқтисодиёт ҳисобланади. Жиноий йўл билан олинган даромадларнинг асосий қисми назоратни четлаб, савдо-сотик муомаласига киритиш йўли билан легаллаштирилади.

Хуфёна иқтисодиёт, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш валюта қимматликлари билан боғлиқ жиноятлар ўзаро алоқадордир. Ушбу қилмишлар бир-бири билан боғлиқликда содир этилади.

Маълумки, хуфёна(яширин) иқтисодиёт деганда, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил этувчи алоҳида гуруҳнинг шахсий ва бошқа манфаатларини қўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яшириб, қонунга хилоф равища топилгандан фойдаланиши тушунилади².

Бутун дунёда бўлгани сингари республикамизда ҳам хуфёна, жиноий йўл билан олинган даромадларининг иқтисодиётга киритиганлиги ва киритилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз айнан, ҳозир бу ижтимоий салбий иллатни бартараф этиш чораларини кўрмасак, унинг оқибатлари жуда хунук бўлиши мумкин. Чунки, хуфёна иқтисодиёт ҳиссасининг ортиб бориши жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайишига олиб келади. Ноқонуний йўллар билан тўпланган пул ва мол-мулкни легаллаштириш қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

Биринчидан, бу қилмиш жиноятчиларнинг жазодан қутилиб қолиши мумкинлиги ҳиссини вужудга келтиради. Бу эса жиноятни, айниқса, уюшган

¹ Гаухман Л.Д. Максимов С.В. Уголовная ответственность за преступления в сфере экономики. М. 1996.

² Драпкин Л. Я., Злоченко Я. М., Вафин Р. Р. Наркотрафик в современном мире: психофизиологические и нейрофизиологические методы исследований противодействия финансированию международного терроризма. Екатеринбург, 2003. С. 116.

жиноятчиликни ёқимли машғулотга айлантиради, оқибат натижасижа эса жамиятнинг ахлоқий ва ҳукуқий асосини емиради, ҳукуқий нормаларга таҳдид солади;

Иккинчидан, жиноий ташкилотлар ўзларининг келажақдаги фаолиятларининг молиялаштириш имкониятига эга бўладилар;

Учинчидан, жиноий ташкилотлар томонидан айрим молиявий муассалардан назоратсиз фойдаланиш, охир оқибатда молиявий тизимга катта зарап етказади. Бундай зарар, айниқса, иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар учун хавфлидир,

Тўртинчидан, иқтисодий ва молиявий жиноий ташкилотларда жамланиши оқибатида Ушбу давлатларнинг иқтисодиёти, ҳокимиятнинг демократик тизими ва бошқаруви издан чиқарилиши мумкин¹.

Третьяков И.Л.нинг фикрича, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидаги мақсад ва вазифаларда сарфланиши мумкин:

- 1) жиноятчиларнинг харажатларини қоплаш мақсадида;
- 2) жамғариб бориш мақсадида;
- 3) жиноий фаолиятни ривожлантириш мақсадида;
- 4) иқтисодиётга қонуний инвестиция киритиш мақсадида.

Юқоридаги маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, буларнинг барчаси жиноий фаолиятнинг самарали ва мукаммал ишлашига хизмат қиласди².

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича молиявий чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи ишчи гурух пул ювишнинг қуйидаги моделларини ишлаб чиқсан:

- 1-йўналиш: “кир пуллар”ни қонуний айлантириш;
- 2-йўналиш: ноқонуний пул маблағларини тўғри йўналишга қўшиб юбориш;

¹ Мирзаев Ф.И. “Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терорризмни молиялаштиришга қарши курашнинг миллий тизими. /Ўқув қўлланма. / Ф.И.Мирзаев. / Бош прокуратура Академияси / Тошкент., 2019 й. 164 б.

² Третьяков.И.Л. Уголовно-правовые и криминологические меры борьбы с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем. Москва – 2002, стр 43.

З-йўналиш: қонуний бизнесга инвестиция киритиши¹.

Адабиётларда жиноий даромадларни легаллаштириш “глобаллашувнинг қоронгу томони” ёки “глобал иқтисодиётнинг ноқонуний қисми” деб ҳам таърифланади. Одатда пулни ювиш – трансмиллий ва технологик жиноят сифатида қабул қилинади².

Хусусан, Ф.Фазиловнинг фикрича³, “Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини содир этган шахснинг криминологик хусусиятларини ўрганган ҳолда, мазкур жиноятни амалга ошириш учун маълум бир қобилияят ва тегишли имкониятлар зарур” деган холосага келган:

1. шахснинг маълумот даражасига эгалиги.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаратилган ҳаракатларни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг маълумот даражаси олий (маълумотли) эканлиги аниқланган. Бу каби шахслар ўз касбий фаолиятида ҳам улкан тажрибага эга бўлган, бирдан ортиқ мутахассисликлар бўйича олий маълумотли даражага эга ва баъзида илмий даражаси ҳам мавжуд бўлган шахслар. Бундай шахслар таҳлилий идрок этиш қобилиятига эга бўладилар. Зўравон жиноятчилар ўртасида учрайдиган тажовузкорлик ва қизиққонлик каби хусусиятлар таърифланаётган шахсларга хос эмас.

2. Шахснинг ёш ва ишига оид ҳаётий тажрибаси.

Мазкур жиноятлар баъзида катта ёшдаги инсонлар томонидан содир этилишини инобатга олиб, жиноятчиларнинг ёши кўпинча 30 ёшдан катта бўлиб, бу уларнинг маънан етуклиги ва ҳаётий барқарорлигини англатади. Уларнинг жиноий қобилиятлари ўртacha 35-45 ёшларга этганда ва касбий профессионал мартабаси шаклланган вақтда юзага чиқади.

3.Касб лавозими ва ижтимоий аҳволи.

¹ Chiesa D.L’impresa mafiosa. Tra capitalism violento e controllo sociale. Milan, Cavallotti University Press, 2012, p-11.

² Тнайшаов.З.А. Легализация (отмывание) доходов, приобретенные преступным путем: законодательные и правоприменительные аспекты. PhD тезис. Москва 2005, стр 19,40,

³ Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-хукукий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

Ушбу тоифага, одатда давлат бошқаруви ва молия-хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар доир ҳисобланишади. Жиноят кодекси 243-моддасига асосан жиноят содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб чиқиб, статистик маълумотларга биноан, жиноятларнинг жами сонида легаллаштириш улуши у даражада юқори эмаслиги аниқланди. Шунга қарамай, Ушбу жиноят ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан ўта яширин дея тан олинган. Шу билан бир қаторда, сўнгги вақтларда жиноятларнинг миқдор қўрсаткичларини икки баравардан камроққа тушириш тенденцияси аниқланган.

Шунингдек, Ушбу даврда жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш ҳажми ўсди ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш услублари мураккаблашмоқда. Бундай таркиб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш соҳасидаги жиноятларнинг қуидаги сабаб ва шарт-шароитларининг ажратада олиниши аниқланди:

- ижтимоий-иқтисодий;
- ҳуқуқий;
- ташкилий ва бошқарув.

Доктриналар кўриб чиқилиб, жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатига олиб келувчи сабаб ва шароитларнинг иқтисодий омиллари қуидаги жиҳатларни ўз ичига олиши лозим деган хулоса қилинган.

- а) Бозор муносабатларида шаклланиш ва ривожланиш мураккаблик даражаси;
- б) Конуний тадбиркорлик соҳасида уюшган жиноятчилик фаолиятини кучайтиришга бўлган уринишлар;
- в) Легаллаштириш схемаларида кенг қўлланилиши мумкин бўлган юқори даромадли ва катта маблағлари мавжуд бўлган одамларнинг пайдо бўлиши;

г) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш фаолиятида жорий қонунчиликни амалга ошириш жараёнидаги оқ доғлар ва бу соҳадаги давлат назоратининг самарасизлиги¹.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга олиб келувчи сабаб ва шароитларнинг гурухий боғлиқлиги қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши керак:

- жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича такомиллашмаган қонун ҳужжатларининг мавжудлиги;
- молия, банк, валюта, божхона ва солиқ фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг кўплаб бўшликлардан иборатлиги;
- ижро инқирози.

Легаллаштиришни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларнинг ташкилий ва бошқарув жиҳатидан тўпламига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- а) жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида аҳолининг ижтимоий фаоллик ва ташабbusи пастлиги;
- б) легаллаштириш аҳволи юзасидан парламент назоратининг самарасизлиги;
- в) айрим давлат органлари ва муассасалари фаолиятининг шаффоф эмаслиги.

Мазкур туркумдаги жиноятларнинг олдини олиш масаласига тўхталадиган бўлсак, сўнгги икки йил давомида юртимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирларини яхшилашга қаратилган 100 дан зиёд норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш соҳасидаги жиноятлар, умуман олганда жиноятчилик сингари салбий-ижтимоий ҳолат ҳисобланиб, унга қарши курашиш учун тегишли стратегияни ўз ичига оловчи

¹ Barnwell A.T. Multiple Measurement of International Regime Effectiveness: Comparative Study of the International Ozone Depletion Regime and Climate Change Regime: Master Thesis [Electronic resource]; NTNU. – Trondheim, 2011. – 87 p.

асосий йўналиш бу уни келтириб чиқарувчи омилларга таъсир этишини кўрсатади.

Хусусан, қуйида белгиланган йўналишлар бўйича ФАТФ нинг 40 та тавсияси асносида Ушбу жиноятни олдини олиш юзасидан қуйидагича йўналишларни алоҳида кўрсатиш лозим бўлади:

- 1) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни қонунийлаштириш ва криминаллаштириш;
- 2) маҳсус назоратга олинувчи (шубҳали операциялар) якуний молиявий операциялар рўйхатини белгилаш;
- 3) мижозларни идентификация қилиш шартларини такомиллаштириш ва молиявий операцияларни амалга ошириш учун шундай функционал вазифага эга бўлган ташкилотларга ҳисобот бериш мажбуриятини олган молиявий идоралар қамровини белгилаш;
- 4) банк сирини қонун билан чеклаш ва уни батафсил тартибга солиш;
- 5) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги меъёрий хужжатларни бузганлик учун жавобгарликни ўрнатиши.

Таҳлиллар шуни кўрасатадики, назария ва амалиётни такомиллаштириш мақсадида, интернетда статистик материалларнинг нашр этилишини таъминлаб, жиноий фаолият натижасида олинган маблағларни легаллаштириш жинояти юзасидан мусодара қилишни жиноят-хукуқий таъсир чораси сифатида қўллаш тўғрисидаги статистик маълумотларни мунтазам олиш ва таҳлил қилиб бориш таклиф қилинади.

Маълумки, Ўзбекистонда даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига мувофиқ жиноят предмети ҳисобланиб, ФК 204-моддасига биноан эса жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланганидан сўнг конфискация қилиниши шарт.

Жиноий йўл билан топилган даромадларга нисбатан “мусодара қилиш” чораларининг бесамар қўлланилиши жиноий жазонинг самарадорлиги тушишига олиб келади¹.

Тергови олиб борилаётган жиноятчи хусусияти коррупциявий жиноятлар категориясига ҳам тегишли эканлигини инобатга олиб, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари меҳнати фаолиятини бажараётган кимсаларга қатъий равишда малака талабларини қўйиш лозим ва тегишли ходимларни танлаш оммавий танлов асносида ўтказилиши керак. У барча даражадаги давлат хизматчилари мол-мулки, даромадлари ва харажатларини декларациялашнинг ягона ахборот тизими асносида жорий этилиши лозим.

Коррупцияга қарши “Истанбул ҳаракатлар режаси” доирасида ўтказилган мониторингни тўртинчи босқичи ҳисботи 14-тавсиявий параграфида “давлат мулизимларининг мол-мулкини мажбурий тартибда декларация қилиш тартибини жорий қилиш лозимлиги; мансабдор шахсларга тегишли шахсий мол-мулкни декларация қилиш тартибини тизимлаштириш, Ушбу декларацияларни текширувдан ўтказиш ва уларни оммага очиқлаштириш” белгилаб берилган.

Легаллаштиришни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитлар мажмуининг ижтимоий-ахлоқий (психологик) мажмуйига қуидагиларни киритиш лозим:

- 1) аҳолининг легаллаштиришга қарши курашиш меъёрлари билан бирдамлигини ўта паст даражаси;
- 2) жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришда иштирок этувчи шахслар била туриб “адреналин мотивацияси” деб номланадиган қимор каби экспериментида иштирок этишни хоҳлашлари мумкин;
- 3) аҳоли маълум бир қисмининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этишга психологик тайёрлиги;

¹ Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

4) жиноят учун жавобгарликка тортилиш хавфининг катта эмаслигига бўлган психологик ишонч.

Аҳоли маълум қисмининг молиявий аҳволи бекарорлигига қарши курашиш ҳуқуқий маданияти паст одамларнинг тадбиркорликка киришига йўл қўймаслик мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада такомиллаштириш таклиф этилади. Бундан ташқари, Ушбу тоифадаги шахсларнинг молиявий саводхонлигини, шу жумладан бепул онлайн ўқув курсларини жорий этиш орқали таъминлаш.

Пул оқимлари устидан молия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан самарали назорат тизимини режалаштириш учун шароитлар яратиш; нақд пул оқимларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан банк тизимининг паст самарадорлигига қарши курашиш лозимлиги аниқланди ва асослантирилди.

Банк ва бошқа кредит ташкилотлари учун ягона мафкуравий базани шакллантиришни давом эттириш, даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича молиявий ҳаракатлар бўйича груп (ФАТФ) хужжатлари асосида кўрсатмалар ишлаб чиқиш, шунингдек мажбурий таълимни ташкил этиш Ушбу соҳадаги ходимларга (жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича малака ошириш курслари) ташкил этиш таклиф этилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг зарур малакаси ва тайёргарлигига етарлича эътибор бериб, молиявий ва ҳуқуқий соҳалар бўйича билимларнинг этишмаслигини бартараф этиш ва ҳар йили Ушбу тоифадаги ходимлар учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда малака оширишни таъминлаш лозимлиги аниқланди ва асослантирилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва

терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш миллий марказини ташкил этиш мақсадга мувофик.

Ушбу марказ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, молиявий институтлар ходимлари ва тадбиркорлар учун ФАТФ стандартларини билиш сифатини оширишга ҳисса қўшади.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг моҳияти бўйича тушунтириш тадбирларини ташкил этиш орқали аҳолининг ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқий онг даражасини ошириш таклиф этилади.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро тадбирларни ҳар йили мувофиқлаштирувчи дастурларни қабул қилиш орқали жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги аниқланди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун суд амалиётини даврий равишда умумлаштиришни давом эттириш, шунингдек, олинган материалларга асосан Ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш ва олдини олиш бўйича таҳлилий ишларни олиб бориш лозимлиги аниқланди. Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича аноним ишлар тўпламларини нашр этишини ташкил этиш ва шу билан ҳуқуқий ва молиявий маълумотларга кириш имкониятини бериш таклиф этилади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки олдини олиш учун қўйидаги воситалардан фойдаланиш тавсия этилади: - жиноий харакатлар бўйича самарали профилактика таъсирини таъминлаш учун ҳуқуқий маърифий тадбирларни амалга ошириш;

- ноқонуний иқтисодиёт ва уюшган жиноятчиликнинг барча даражадаги ҳокимият ва бошқарув тизимига кириб боришининг олдини олишга қаратилган давлат ташкилий ва бошқарув чоралари;

- жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш учун қонун лойиҳаларининг криминологик экспертизасини ташкил этиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан амалдаги легаллаштиришга қарши қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш;
- коррупцияга қарши курашиш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга оид хуқуқий хужжатларни янада такомиллаштириш.
- Интернет-банкингнинг ривожланиши жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш учун янги имкониятларни очиб беради, шу сабабли Ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қўйидаги чоралар таклиф этилади:
 - тўловчиларни идентификация қилиш тартибини кучайтириш;
 - шубҳали амалиётларни чеклаш ва мижозлар назоратини кучайтириш, шунингдек тўловларни назорат қилиш ва ҳисбот бериш;
 - банк ва банкдан ташқари мобил молиявий хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш.

II БОБ. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг предмети, объектив ва субъектив белгилари

Мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида 100 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳада мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база шакллантирилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда.

Бугунги кундаги таҳдидлар, аввало, қурол-яроқ, гиёхвандлик ва одам савдоси ҳамда трансчегаравий ноқонуний молиявий операцияларнинг тобора кучайиб бораётгани жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўйимоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ўзига хос характерли жиҳатларидан бири жиноятнинг мақсади ва унинг яширин (хуфёна) иқтисодиёт билан алоқасидан иборат бўлиб, жиноий йўл билан келган пул маблағларини “ювиш” ва қонуний тус беришдир. Ушбу жиноят турининг ўзига хослиги унга қарши курашишнинг янги ва замонавий механизмларини ишлаб чиқишини талаб этади.

Шундай қилиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш фаолияти қўйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади:

- давлат тизимларининг функциясини норматив-ҳуқуқий таъминлаш, молиявий назорат тизимини ривожлантириш;
- пул ёки бошқа моддий қўринишдаги маблағлар билан фаолият олиб борувчи ташкилотларни аниқлаш ва улар устидан назорат қилишнинг янги методларини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг назорат фаолияти самарадорлигини ошириш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш;
- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Жиноятнинг асл хусусиятини яшириш ёки сир сақлаш деганда, жиноий даромад тарзидаги нарса ёки буюмнинг асл ҳолатини ўзгартириш тушунилади. Бундай ҳаракатлар деганда ўғрилик, босқинчилик, талончилик, пора олиш каби жиноятларнинг предмети ҳисобланган тилла тақинчоқлар, рангли металлар, заргарлик буюмларидан бошқа хилдаги буюмлар ясашни тушуниш лозим. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкор этишда иштирок этган ақли расо шахс ҳисобланади. Бундай жиноят учун мансабдор шахс моддий бойлик (қимматликлар) билан тақдирланган ёки моддий даромад олган ҳолатларда қилмишни ЖК 243-моддаси билан бир қаторда, ЖК 210-моддаси бўйича пора олиш сифатида квалификация қилиш лозим.

Ушбу жиноятнинг бевосита тажовуз предмети – пул маблағи ёки молмулк ҳисобланади. Пул маблағлари деганда, нафақат пул ва валюта балки банк ва йўл чеклари, инвестиция қимматбаҳо қоғозлари, облигациялар, сертификатлар, товар айрибошлиш ҳужжатлари, олди-сотди шартномалари,

займлар ва кредит ҳужжатлари ҳам тушунилади. Мол-мулк – бу кўчмас мулк, шунингдек транспорт воситалари, қимматбаҳо буюмлар, олий ва камёб металлар¹.

Бутун дунёда бўлгани сингари республикамизда ҳам хуфёна, жиноий йўл билан олинган даромадларининг иқтисодиётга киритилганлиги ва киритилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз айнан, ҳозир бу ижтимоий салбий иллатни бартараф этиш чораларини кўрмасак, унинг оқибатлари жуда хунук бўлиши мумкин. Чунки, хуфёна иқтисодиёт ҳиссасининг ортиб бориши жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайишига олиб келади.

Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг обьекти биринчи навбатда республиканинг иқтисодий фаолияти соҳасида шаклланадиган жамоат алоқалари ва ихтиёрий обьект сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган жамоат муносабатларининг мавжудлиги кўрсатилган.

Шу жумладан, профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, Ушбу жиноятнинг обьекти бўлиб, республиканинг иқтисодий фаолияти ва жамоат хавфсизлиги² бўлиб ҳисобланади.

Жиноятнинг предмети айборнинг жиноий фаолияти натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мулк ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришда, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) келиб чиқишига турли восита ва услублар билан қонуний тус беришда ифодаланади. Ушбу шарҳланаётган модданинг қоидаларига мувофиқ, ошкорлаштириш қуидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- жиноий фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш;
- мулкка айлантириш;

¹ Kissner S. Financing Terror: An analysis and Simulation for Affecting Al Qaeda's Financial Infrastructure: Dissertation [Electronic resource]; Pardee RAND Graduate School. – Sanata Monica, 2004. – 243 p.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. 331-бет.

- алмаштириш;
- жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш.

Ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этган ақли расо шахс ҳисобланади.

Ўз навбатида, нотариус томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилганлигини олдиндан била туриб, келишувни тасдиқлаш учун ўз ваколатларидан фойдаланиши ҳам жиноят содир этишда ёрдамчи деб квалификация қилиниши лозим.

Н.А.Башъяннинг таъкидлашича, уюшган тартибдаги жиноий даромадларни легаллаштириш фирибгарликдан ўзининг иқтисодий соҳада уюшган гурух ёки жиноий уюшма томонидан жиноий йўл билан қўлга киритилган даромадларни молиявий операциялар ва пул маблағлари билан боғлиқ бошқа келишувлар тузиш йўли орқали уларга қонуний тус берилиши билан ажралиб туради¹.

Биз юқорида таҳлил қилаётган модданинг субъекти ҳақида фикр юритар эканмиз, миллий қонунчилигимизда “**оммавий мансабдор шахс**” тушунчасини қонун ҳужжатлари билан белгилаш ҳамда оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва оммавий мансабдор шахсларга яқин шахслар томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш ва кенгайтирилган мониторинг ўtkазиш чора-тадбирларини белгилашни таклиф этамиз.

¹ Башъян.Н.А. Противодействие организованной легализации доходов от мошенничества: криминологический и уголовно правовой аспекты Москва – 2008, 43 стр.

Хусусан, Қозоғистон Республикасининг “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида “оммавий мансабдор шахс” тушунчаси қайд этилган бўлиб, унга кўра фуқаролигидан қатъий назар куйидаги туркумларга мансуб бўлган жисмоний шахс оммавий мансабдор шахс ҳисобланади:

- давлат миқёсидаги мансабдор шахс;
- мансабдор шахс;
- давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс;
- давлат ташкилотларида ёки давлатнинг квазиҳудудида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи шахс;
- қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органларига сайланувчи ва тайинланувчи шахслар, маъмурий ҳамда хорижий давлатларнинг қуролли кучларида хизмат қилувчи хизмат қилувчи шахслар;
- хорижий давлатлар учун бирор бир функцияни амалга оширувчи шахслар;
- халқаро шартнома ва келишувларга асосан ташкил этилган ташкилотларда бошқарув функциясига эга бўлган мансабдор шахслар¹.

Шунингдек, юқоридаги қонун ҳужжатига асосан, оммавий мансабдор шахсларнинг яқин қариндошлари ҳам улар билан teng равища ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, қонунчиликда “оммавий мансабдор шахс” тушунчасини жорий этиш молиявий хизматларнинг янги турлари ва молиявий ташкилотлар билан бир қаторда оммавий мансабдор шахслар бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш таваккалчиликларини доимий ва тизимли равища баҳолаш имкониятини яратади.

Шу жумладан, ижтимоий тармоқларда ушбу таклифга нисбатан респондентларнинг муносабати ўрганилганда, 66,4 % респондент ўзларининг ижобий муносабатда эканликларини, 7,6 % респондент эса

¹ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30466908&pos=244;-54#pos=244;-54

салбий муносабатда эканлигини маълум қилган. 26 % респондентлар эса ушбу таклифга нисбатан ўзларининг фикрларини қўйидагича билдириб ўтишган: “бунданда бошқачароқ ечим бериш зарур” (7%); “хеч қандай муносабат билдирмайман” (9 %); “”мансабдор шахс” тушунчасининг ўзи етарли эмасми?” (10 %)¹.

Хусусан, тадқиқотчи олим ю.ф.ф.д. Ф.Фазиловнинг таъкидлашича, Жиноят кодексининг 243-моддаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш» тартибини қайта кўриб чиқиш керак ва Ушбу жиноятни Жиноят кодексининг З-қисмига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар доирасига киритиш лозим. Ушбу таклифнинг долзарблиги Россия Федерацияси, Швейцария, Чехия каби давлатларнинг жиноий-хукуқий тажрибаси ва бир қатор доктриналар билан тасдиқланган.

Шу жумладан, Ф.Фазилов қатор олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноий фаолият натижасида олинган мол-мулкни топшириш, конверсия қилиш ёки алмаштириш, шунингдек асл моҳиятини, манбасини, келиш йўлини ва манбасини яшириш ёки яшириш орқали эгалик қилиш, мулкка ёки унинг мулкига нисбатан асл хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш, агар бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса, объектив томони эканини таъкидлайди².

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан Халқаро валюта жамғармаси (2003) билан ҳамкорликда тайёрланган «Жиноий даромадни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунида даромадни легаллаштириш ҳар қандай жиноий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб, у даромад келтиради ва уюшган жиноятчиликнинг муқаррар оқибати ҳисобланади. Жиноий ташкилотларнинг фаолияти ўз табиатига кўра

¹ Батафсил: Диссертация иши доирасида терговчи, судья, прокурор, адвокат, суриштирувчи ва бошқалар ўртасида ўтказилган Сўровнома натижалари таҳлили. З-Илова.

² Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-хукуқий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

ноқонуний йўл билан топилган даромадларни тўплашга қаратилган бўлиб, бу маблағларни тегишли миқдорда легаллаштиришни тақозо этади. Шунинг учун 5.2.6-модданинг “б” бандида (жиноий даромадни легаллаштиришни оғирлаштирувчи ҳолатлар) Ушбу хужжат давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигида жиноий даромадларни легаллаштириш учун жазоларни оширишини тавсия қиласди.

Жиноятнинг тергов килинаётган таркибини таҳлил қилиш натижасида аён бўладики, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида маҳсус субъекти белгиланмаган, бу эса ўз навбатида фақат 16 ёшга тўлган, ақли расо шахсларгина жиноий даромадларни легализация қилиш субъекти бўлиши мумкинлигини англатади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар мамлакат фанида жиноятчиликнинг умумий ва маҳсус субъектлари таърифи билан баҳсли мунозаралар мавжуд эмаслиги қайд этилди. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўрганилиб, Ушбу жиноят субъектга нисбатан турлича ёндашувларга эга эканини аниқлади.

Шунингдек, Қозогистон Жиноят кодексида жиноий даромадни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик 218-моддада мустаҳкамланган, унда ҳам умумий, ҳам алоҳида субъект мавжуд. Бу ерда маҳсус иштирокчилар, масалан, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этган шахслар, мансабдор шахслар, масъул давлат лавозимини эгаллаган шахслардир. Шунингдек, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 174 ва 174¹-моддаларида маҳсус субъект ажратилган бўлиб, уларнинг таркибий қисмида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этган шахслар кўрсатилган.

Сўровнома асосида берилган саволга 76,8 % респондент ўзларининг ижобий муносабатда эканликларини билдирган бўлсалар, 21,2 % респондентлар салбий муносабатда эканликларини маълум қилганлар.

Қолган 2 % респондентлар эса ушбу таклифга нисбатан бетараф позицияда эканликларини маълум қилгандар¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шарҳланаётган модданинг махсус субъектини қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида **ЖКнинг 243-моддасини янги биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирган ҳолда махсус субъект белгиларини қайд этишини таклиф этамиз.**

Юқоридагилардан фарқли равишда юридик шахсларни жиной даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликка тортиш бўйича чет давлатларнинг назария ва амалиётини таҳлил қилиш лозимлигидан келиб чиқсан ҳолда юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи меъёрларни киритиш таклиф этилади. Мисол учун, бундай жавобгарлиқда ташкилотни тугатиш бўлиши мумкин («Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 28 ва 29-моддаларидағи каби).

Шу жумладан, МДҲ мамлакатларида Молдова Республикасида махсус субъект бўйича намуна борлигини кўриш мумкин. Ушбу мамлакат Жиноят кодексининг 243-моддасида юридик шахсларга нисбатан жиноий даромадни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ва жазо сифатида катта жарималар, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳукуқидан маҳрум қилиш ёки Ушбу юридик шахсни тугатиш кўзда тутилган.

Хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровнома асосида респондентларнинг 68,5 % и юридик шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш

¹ Батафсил: Диссертация иши доирасида терговчи, судья, прокурор, адвокат, суриштирувчи ва бошқалар ўртасида ўтказилган Сўровнома натижалари таҳлили. З-Илова.

керак деб маълум қилишган бўлса, 21 % и бизнинг қонунчилигимизда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган фикрни билдирганлар. 10,5 % респондентлар эса бу борада бетарафликларини маълум қилганлар¹.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш ва қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига қўйидаги тартибда янги 24¹-моддасини қўшишни таклиф этамиз:

24¹-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириши, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириши фаолиятини амалга оширган юридик шахснинг жавобгарлиги

Ташкилот суднинг қарори асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириши фаолиятини амалга оширган юридик шахс сифатида эътироф этилади ва тугатилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириши фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишили мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши, терроризмни молиялаштиришига ва оммавий

¹ Батафсил: Диссертация иши доирасида терговчи, судья, прокурор, адвокат, суриштирувчи ва бошқалар ўртасида ўтказилган Сўровнома натижалари таҳлили. З-Илова.

қирғин қуролини тарқатишини молиялаштириши фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишили, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.”

2.2. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

Тергов остидаги жиноятчининг тавсифи коррупция жиноятларининг категориясига ҳам тегишли эканлигини инобатга олган ҳолда, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга қатъий малака талаблари қўйилиши керак ва тегишли ходимларни танлаш оммавий танлов асосида таъминланиши керак. У барча даражадаги давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ва харажатларини декларациялашнинг ягона ахборот тизими сифатида жорий этилиши керак.

Коррупцияга қарши Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги мониторингнинг 4-босқичи ҳисоботи 14-тавсияси параграфида “давлат амалдорларининг мулкини мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этиш зарурлиги; мансабдор шахсларнинг шахсий мол-мулкини декларация қилиш тартибини тизимга солиш, Ушбу декларацияларни текшириш ва уларни омма эътиборига ҳавола қилиш” белгиланган.

ЖКнинг 243-моддаси молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва ҳ.к. хақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) кундан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбдор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки хуқуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбдор томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганлигидан қатъий назар, топширилган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади¹.

БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий юшган жиноятчиликка қарши” Конвенциясининг 6-моддаси жиноий даромадларни легаллаштиришни криминализация қилиш дея номланган бўлиб, унга қўра, тўрт йилдан кам бўлмаган ёки ундан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, уюшган жиноий гурухда иштирок этиб содир этилган жиноят, коррупция, одил сувони амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби жиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштирганлик учун жавобгарлик белгилашни назарда тутади.

Хусусан, жиноий даромадларни легаллаштиришни криминализация қилинда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- жиноят предмети белгилари (жиноят йўли билан топилган даромад ёки мулк);
- легаллаштириш усуллари ва белгилари;
- асосий (предикат) жиноятларни очик ёки ёпиқ рўйхати қайсики мазкур жиноятлар натижасида топилган даромад.²

Европа Иттифоқининг 2005 йил 16 майдаги Варшава конвенциясида жиноий даромад тушунчasi янада кенгроқ берилган бўлиб, унга қўра, жиноят содир этилиши натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилган ёки олинган хар қандай иқтисодий фойда тушунилади.

¹ Аверьянова Т.В, Р.С Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р. Россинская. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Заслуженного деятеля науки Российской Федерации, профессора Р.С.Белкина. - М.: Издательство группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С. 688.

² Mejdunarodnoe ugоловное право. Pod obshey redaktsiey A.V.Brilliantova. Moskva, Yurayt. 2017.253-b.

Мазкур жиноий даромадни мусодара масаласида Вена конвенцияси жиноий фаолият натижасида топилган даромад тушунчаси билан мазкур даромадлар ҳисобига олинган мулк ёки активлар фарқланади. Мазкур конвенциянинг 5-моддасига асосан, агар жиноий даромадлар бошқа мулкка айлантирилган бўлса, даромадлар эмас балки мулк мусодара қилинади. Агар жиноий даромадлар бошқа қонуний олинган манбаларга қўшилган бўлса, яъни қонуний олинган даромад ва ноқонуний олинган даромад қўшилиб мулк олинган бўлса, мусодара фақатгина ноқоний (жиноий) олинган даромад микдорига қўлланилади. Бундан ташқари, жиноий йўл билан топилган даромад ҳисобига олинган даромад ҳам мусодара қилинади.

Ўз-ўзидан маълумки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш иллати жамият ҳаётининг турли жабҳаларида уюшган жиноятчилик туғилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

ЖК 243-моддасида назарда тутилган даромадларни легаллаштириш тариқасидаги жиноятнинг предмети бу жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳисобланиб, Ушбу пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк уларни легаллаштиришдан олдин қасдан содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш орқали топилади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришдан олдин содир этиладиган жиноятларнинг асосий турларига қўйидагиларни киритишимииз мумкин:

- шахсга қарши ҳақ эвазига содир этиладиган жиноятлар (масалан, гараз ниятларда одам ўлдириш, фоҳишаоналар сақлаш, одам савдоси);
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (масалан, ўғирлик, босқинчилик, товламачилиқ, талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш);
- хокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолият тартибига қарши жиноятлар (масалан, пора олиш, қонунга хилоф равища мулкий манфаатдор бўлиш);

- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (масалан, контрабанда, ўқотар қурол ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равища муомала қилиш ва х.к.).

Бунда бир ёки бир неча асосий жиноят содир этилганлиги, улар алоҳида бир шахс, уюшган гурух ёки жиноий уюшма томонидан, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа мамлакат худудида содир этилганлиги, легаллаштирилаётган мулк содир этилган жиноят натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилганлиги аҳамият касб этмайди¹.

Легаллаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлганлиги ёки ўтганлиги тасаввурини шакллантиришга қаратилган (масалан, олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айрбошлиш ва х.к. шартномаларни тузиш) ҳаракатлар киради.

Шунингдек, жиноий йўл билан ортирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан ҳатто битта операция ёки битим амалга оширилган ҳолларда ҳам даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади².

Бундан ташқари, молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва х.к. ҳақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбдор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки ҳуқуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбдор

¹ Афанесьев Н.Н. Преступление в сфере экономической деятельности. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. М. 1998. С 290-291.

² Бухарев В.Б., Трунцевский Ю.В., Шулепов Н.А. Зарубежный опыт в сфере правового регулирования противодействия легализации (отмыванию) доходов, приобретенных преступным путем.// Международное публичное и частное право. 2007. №4

томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганлигидан қатъий назар, топширилган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, мулк билан фақат номигагина битим тузилган бўлиб, амалда у бўйича мулкни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) назарда тутилмаган бўлса, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят айбор ва бошқа шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган пайтдан (масалан, пул маблағлари жиноий йўл билан топилганлигини яшириш учун тузилган хизматларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади».

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш фактини исботлашда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк номига расмийлаштирилган учинчи шахсларда даромадларнинг қонуний манбалари мавжуд эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар шахс томонидан ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мажмуи билан бирга инобатга олиниши лозим¹.

Шу билан бир қаторда, суднинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк келиб чиқишининг жиноийлиги ҳақидаги холосаси, жиноят ишидаги бошқа материаллар билан бир қаторда, қуйидагиларга асосланиши мумкин:

- асосий жиноят бўйича чиқарилган айблок ҳукмига;
- ЖПК 84-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ишнинг асосий жиноят бўйича тугатиш тўғрисидаги дастлабки тергов органи қарори

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2011 йил 11 февральдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида”ги 1-сонли карори.

ёки суднинг ажримига, башарти жиноят иши материаларида асосий жиноят ҳодисаси ва жиноят таркиби борлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлган ҳолларда.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдига қўйилган мақсаддан) келиб чиқкан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкини талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлгандан эса, хужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин.

Жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини ҳал этишда, ҳар бир ҳолатда бу шахс мазкур мол-мулк жиноий фаолият натижасида орттирилганлигини аниқ билган-бilmaganligi аникланиши шарт. Масалан, агар шахс жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олди-сотди шартномаси тузган бўлса ва оловчи сотувчидаги мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англашадиган ҳолда бу мулкни сотиб олса, оловчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ЖК 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳукм кейинчалик мулкни олди-сотди шартномаси фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин¹.

Тадқиқотчи олим Х.Каримовнинг фикрига кўра, жиноий даромадни легаллаштириш бу ҳар қандай жиноят натижасида қўлга киритилган активга қасдан қонуний тус беришга қаратилган ҳаракат тушунилиши тўғри бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2011 йил 11 февральдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида”ги 1-сонли карори.

Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томонидан қасдан содир этилишига эътибор қаратилиши лозим. Яъни шахс мазкур жиноятни содир этаётганда жиноий йўл билан топилган даромаднинг ўтказиши, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, жиноий йўл билан топилган даромадни асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулинини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳакиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яшириш ёхуд сир сақлаш мақсадида содир этилади. Масалан, шахс гиёхвандлик, порахўрлик, одам савдоси ва бошқа жиноятлар натижасида жиноий даромадга эга бўлиб, мазкур даромаднинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, яъни ушбу маблағларни эркин тасарруф этиш мақсадида қиймати юқори бўлган кўчмас мулкни арzon қийматда расмийлаштириб сотиб олади. Сўнгра ушбу кўчмас мулкни бир неча ўн баравар қиммат нархга расмийлаштириб сотади. Амалда мулкни текинга ёки арzon нархда беради. Бундай ҳолда шахс расман шартнома нархидаги мулкни легаллаштиради. Яъни, жиноий йўл билан топилган даромадга қонуний тус беради, унинг келиб чиқиш манбасини яширади. Ушбу мисол жиноий йўл билан топилган даромадни легаллаштиришга мисол бўлади ва шахс қасдан ушбу ҳаракатларни жиноий даромадини легаллаштириш мақсадида содир этади¹.

Нотариус томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи била туриб тасдиқлаш учун фойдаланиши даромадларни легаллаштиришга қўмаклашиш сифатида (ЖК 28, 243-моддалари) билан, бунга асослар бўлганда эса, Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалари билан ҳам квалификация қилинади,

Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига кўра, ЖК

¹ X.Каримов. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик: қиёсий-хуқуқий таҳлил//Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси АҲБОРОТНОМАСИ №2 (34) 2018

243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга асосий жиноят натижасида етказилган моддий заар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак.

Агар шахсни ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблашга доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПК 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЖК 243-моддаси диспозициясида даромадларни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган миқдор белгиланмаганлигини, мазкур модданинг санкцияси эса, фақат озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони назарда тувишини инобатга олиб, судлар, инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилиб жазо мутаносиблигини ЖК саккизинчи бўлимида берилган миқдорлар (анча, кўп, жуда кўп миқдор)га доир тушунчаларга таянган ҳолда белгилашлари лозим¹.

Юқоридагилардан фарқли равишда, МДҲ давлатларининг қонунчилигига назар солар эканмиз, хусусан, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддаси “Жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа мол-мулкларни легаллаштириш (ювиш)” дея номланган бўлиб, Ушбу модда 4 та таркибий қисмдан иборат. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида миқдор белгилари мавжуд эмас. Модданинг иккинчи қисми учта банддан иборат бўлиб, биринчи банди бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишилган ҳолда, иккинчи банди такоран ва учинчи банди эса ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади. Ушбу модданинг учинчи қисмида қуйидагича учта банд келтириб ўтилган: биринчи банд давлат функцияларини амалга ошириш соҳасида бошқарув ваколатига эга бўлган ёки унга тенглаштирилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2011 йил 11 февральдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида”ти 1-сонли карори.

лавозимдаги шахслар, иккинчи банди эса жиной гурух томонидан жиноят содир этилиши, учинчи банд кўп миқдорни тартибга солишини кўриш мумкин. Шунингдек, модданинг тўртинчи қисмида эслатма тарзида жиноий жавобгарликдан озод қилиш масалалари баён этилган¹.

Қозоғистон Республикасидан фарқли ўлароқ, Россия Федерацияси Жиноят кодекси жиноий даромадларни легаллаштириш учун иккита алоҳида моддалар билан жазо тайинлашни назарда тутади.

Хусусан, РФ ЖК 174-моддаси “ўзгалар томонидан жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа мол-мулкларни легаллаштириш (ювиш)” учун жазо чораларини белгилаб берган бўлса, РФ ЖК 174¹-моддасида эса “жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа мол-мулкларни легаллаштириш (ювиш)” жинояти учун жазо чоралари ўрнатилган. Шарҳланаётган иккала модда ҳам тўртта қисмдан иборат ва миқдор белгилари келтирилган бўлишига қарамасдан жазодан озод қилишни назарда тутувчи қўшимча маълумот ёки эслатмалар мавжуд эмас².

Шу жумладан Германия Жиноят кодексининг 261-моддаси жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти учун жазо тартибини белгилаб, ўз ўрнида жазони енгиллаштирувчи ёки озод қилувчи қўшимчалар билан ҳам бойитилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида «мулк» тушунчасини ишлатишдан воз кечган ҳолда «пул маблағлари ва бошқа мол-мулк» тушунчаси призмасидан келиб чиқкан ҳолда, жиноий фаолиятдан олинган даромад тушунчасига аниқлик киритиш таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий даромадларни легаллаштириш таркибини тавсифлашда мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулқ) атамаси қўлланади. Мулк таърифини кенг талқин қилишнинг олдини олиш учун “мулк” сўзини олиб ташлаб ва фақат “пул

¹ https://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31575252

² http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

маблағлари ёки бошқа мол-мулк” ибораларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 243-моддасини иккинчи қисм билан тоифаловчи белгилар билан тўлдириш таклиф этилади: бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда.

Шунингдек, модданинг учинчи қисмини тоифаловчи белгилар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: бир гурух ёки жиноий уюшма, мансабдор шахс ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланувчи шахс томонидан уюшган, жуда кўп миқдорда.

Жиноят кодексининг 243-моддасини қўйидаги иборали тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади: “Жиноий даромадларни легаллаштирган шахс Жиноят кодексининг 243-моддаси биринчи қисмининг жиноий жавобгарликдан озод этилиши тўғрисидаги меъёрни жорий қилиш, агар у жиноятлардан келадиган даромадларни легаллаштириш тўғрисида ихтиёрий равишда хабардор қилса, агар унинг ҳаракатларида Ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган жиноят таркиби ёки бошқа жиноят бўлмаса”.

Бундай иборадан фойдаланиш амалиётини Қозоғистон ва Германия давлатларининг қонунчилигига учратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида жиноят қонунчилигини либераллаштиришга ёрдам беради. Ушбу янгиликларнинг қабул қилиниши пулни легаллаштиришга қарши курашишда жиноий қонунчиликни яхшилайди ва Жиноят кодекси меъёрларини халқаро стандартлар ва энг яхши халқаро амалиёт билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Жиноят кодексининг 243-моддаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” моҳиятини қўриб чиқиш ва маҳсус шахс – мансабдор шахслар, ўз хизмат мавқеидан фойдаланаётган шахсларни таъкидлаш.

Санкцияга муқобил жазолар киритилиши лозим, хусусан, озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда жарималар, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш каби жазолар кўзда тутилиши керак.

Бир қатор давлатларнинг ижобий тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 241-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ноқонуний олиб киришдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни легаллаштириш тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида қўлланилади.

Хусусан, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 2003 йил таҳриридаги 243-моддасида даромадни легаллаштириш мақсади ноқонуний йўл билан олинган пул, мулк ёки даромад манбайнни ва келиб чиқишини қонунийлаштиришни белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шарҳланаётган модданинг миқдор белгилари ва жазодан озод қилиш чораларини қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида **ЖКнинг 243-моддасини қўйидагича янги биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдиришни таклиф этамиз:**

243-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириши.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбайнни, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулинини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хуқуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яшириш ёхуд сир сақлаш, —

уч йилгача ахлоқ тузатииш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- a) кўп миқдорда;*
- б) тақроран;*
- в) бир гурӯҳ шахслар томонидан;*
- г) мансаб мавқеини суиштеъмол қилиши йўли билан содир этилган бўлса,—*

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- a) жуда кўп миқдорда;*
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;*
- в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб*
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,—*

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Башарти, шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириши жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, агарда унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг маркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиши тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди.

**III БОБ. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ БҮЙИЧА
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

3.1. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш

бүйича халқаро стандартлар

Жиноий йўл билан юқори даромад олишга интилиш, уларни иқтисодиётга қонуний йўл билан сарфлаш ёхуд уюшган жиноий фаолиятни кенгайтириш учун ўз мақсадларига эришиш йўлида асосий манба сифатида улардан фойдаланиш бундай маблағ эгалари олдига уни халқаро аренада тасарруф қилиш имкониятларини очиш шартларини қўйди.

Жаҳон миқёсида рўй берадиган глобаллашув жараёнида капиталнинг эркин, чексиз ҳаракатига давлатлар ўртасидаги чегаралар тўсиқ бўлолмай қолди. Хуфиёна иқтисодиётнинг сохта ва жиноий турлари мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига энг катта таҳдид сифатида қаралиб, улар амалдаги қонунчилик ва умуман жамиятда барқарорликнинг бузилишига олиб келади. Ушбу омиллар мавжудлиги сабабли, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш давлат стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш зарурати кун тартибига чиқмоқда. Натижада, сўнгги пайтларда дунё мамлакатларида молиявий разведка бўлинмалари шакллана бошлади ва ҳозирги пайтда дунёнинг

43 мамлакатида бу каби бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда.

Деярли барча ривожланган давлатларда молиявий разведка бўлинмаларининг ташкил этилиши ўша давлатлар хукуматларининг молиявий хуқуқбузарликларга қарши курашдан манфаатдор эканлигини, шунингдек, ушбу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги билан тасдиқланади. Самарали фаолият юритадиган молиявий разведка бўлинмалари миллий ва халқаро миқёсда ноқонуний молиявий фаолиятга қарши курашишда катта ҳисса қўшади.

Хусусан, тадқиқотчи олим, и.ф.н Ф.Мирзаев молиявий разведка бўлинмаларининг ташкил этиш механизми ва мамлакатнинг ўзига хос шароитларидан келиб чиқиб, уларни қуидаги 4 та асосий тоифага бўлиш мумкинлигини қайд этиб ўтган¹:

1.Хуқуқни муҳофаза қилувчи молиявий разведка бўлинмаси қоида тариқасида Ички ишлар вазирлиги ва полиция бюджетидан молиялаштирилади ва хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари каби бир хил ваколатларга эга бўлади.

2.Суд (прокуратура) туридаги молиявий разведка бўлинмаси прокуратура юрисдикциясида ишлайди.

3.Маъмурий турдаги молиявий разведка бўлинмаси маъмурий орган ёки агентлик таркибининг бир қисми ҳисобланади.

4.молиявий разведка бўлинмасининг “аралаш” тури.

Турли мамлакатларда фаолият юритаётган молиявий разведка бўлинмалари нафақат ташкилий тузилма шакли бўйича, балки функционал жиҳатдан ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласди.

“ФАТФ” (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гурӯҳ)нинг тавсияларини таҳлил қилиш асосида молиявий разведка бўлинмаларининг учта функцияси ажратилди ва Ушбу функциялар барча турдаги молиявий разведка бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Биринчи асосий функцияси – молиявий разведка бўлинмаси ахборот тўплаш бўйича миллий марказ вазифасини бажаради.

Иккинчи асосий функцияси – қабул қилинган ахборотларни таҳлил қилишdir. Бу нафақат ахборотни устуворликлар бўйича фильтрлашни балки текширилаётган масала бўйича қўшимча маълумотлар тўплашни ҳам ўз ичига олади.

¹ Ф.Мирзаев. “Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимида молиявий разведка бўлинмасининг фаолияти ва унинг роли”. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси №2 (46) 2021.

Учинчи асосий функцияси – ахборот ва таҳлил натижаларини тегишли давлат идораларига кейинги юбориш ҳисобланади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ичидаги жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга оид жиноятларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, нолегал миграция, контрабанда, қурол ва одам савдоси каби трансмиллий уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлган бу жиноятга қарши курашишга доир нормалар БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияларида ўз аксини топган¹.

Шунингдек, 2007 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банки ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (UNODC) ноқонуний маблағларни легаллаштиришнинг олдини олиш ва уларни қайтариш соҳасида натижаларга эришиш мақсадида ўғирланган активларни қайтариш ташаббусини (StAR ташаббуси) илгари сурди. Мазкур ташаббус Коррупцияга қарши конвенциянинг V-бобида белгиланган активларни қайтариш принципларига таянган ҳолда амалга оширилиб, аъзо давлатлардан коррупция натижасида олинган даромадларнинг бошқа жойга ўtkaziliшининг олдини олиш, уларни аниқлаш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш ва қайтариш каби чораларни кўришни талаб қилади.

“ARIN-WCA”га бугунги кунда Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон давлатлари аъзо бўлиб, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (UNODC), CARIN, ARIN-AP, ARINSA, ARMA (Украина) мазкур тармоқнинг қузатувчилари ҳисобланади.

Активларни қайтариш соҳасида ҳамкорликни норасмий шаклда амалга ошириш мумкинлиги Коррупцияга қарши конвенцияда ҳам ўз аксини топган

¹ А.Ақбутаев. “ARIN идораларро тармоклари: жиноий активларни қайтаришга қаратилган ҳамкорлик шакли” Нуқуқ va burch №7/2020

бўлиб, унда “давлатлар расмий илтимосномаларсиз бир-бирларига мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган хатти-ҳаракатлар орқали ортирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни етказиш чораларини кўришга ҳаракат қилиши” белгиланган.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳаси мутахассисларидан бири бўлган Паола Берноско бу халқаро хуқуқий акт ҳақида қуйидаги фикрлар билдирганлигини кўришимиз мумкин: “Вена Конвенцияси қабул қилингандан сўнг Ушбу соҳада сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Конвенцияда халқаро ҳамжамиятга қонунга хилоф йўл билан топилган пулларни ”ювиш“ устидан самарали назорат олиб борилишига имконият яратди яъни, моҳиятига кўра, жиноятчиликка қарши курашнинг янги стратегияси ишлаб чиқилди”¹. 1990 йилнинг август-сентябринда жиноятчиликнинг олдини олиш ва хуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича “XXI асрда жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил жиноий судлов соҳасида халқаро ҳамкорлик” мавзусида Гаванада БМТ нинг VIII Конгресси бўлиб ўтди. Жиноий-одил судловни такомиллаштириш истиқболлари, жиноятчиликка қарши курашда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлик масалалари, хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни қонуний таъминлаш, жиноий йўл билан топилган ёки қўлга киритилган мулк, қимматбаҳо бойликлар, пул маблағларини ҳибсга олиш ёки мусодара қилиш масалалари ўтказилган муҳокамаларнинг марказида бўлди. Ушбу Конгресс томонидан ишлаб чиқилган ва 1990 йилнинг 14 декабрдаги БМТ Бош ассамблеясининг 45/107 резолюцияси билан қабул қилинган “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий-одил судловни ривожлантириш доираси соҳасида халқаро ҳамкорлик Тавсиялари”да кўрсатилишича, аъзодавлатларга БМТ алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлиб, бунда “транснационал жиноятчилик ва халқаро ноқонуний битимлар тузилишининг

¹ Паоло Бернаскони. Оффшорные общества и принцип территориальности как препятствия при осуществлении контроля за преступлениями. – Доклад на международной конференции по проблемам предупреждения и борьбы с отмыванием денег и использования доходов от преступной деятельности. Глобальный подход. Курмайер. Италия. 18-20 июня 1994. -Сб. переводов матер. конференции. – М., 1996. С. 714.

олдини олишда айниқса, ҳамкорликнинг тегишли тизимини яратиш йўли билан тегишли қонун ва қоидалар бажарилишини таъминлашга асосий эътибор қаратиш лозим” (3-банд). Шу мақсадда, “транснационал жиноятчиликнинг минимал оқибатларига эришиш учун жиноятчиларни топшириш, одил жиноий судлов масалаларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби амалий чораларни амалга ошириш зарур” (10-банд). Шу билан бирга мазкур тавсияларда бир қатор алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва келажакда ишлаб чиқилиши лозим бўлган муаммолар сифатида “мулк ва пул маблағларини мусодара қилиш учун ҳуқуқий асослар” (8d-банд), “банк сири, жиноий ҳаракатлар натижасида қўлга киритилган ва банк ҳисобваракларида бўлган маблағларни мусодара қилиш ва уларга таъқиқ қўйиш масалаларида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш стандартлари” (18-банд) кабилар санаб ўтилган. Мазкур нормаларни ишлаб чиқишидан кўзланган асосий мақсад – “жиноий фаолият билан боғлиқ бўлган маблағлар ва пулларни легаллаштиришга тўсқинлик қилишга қаратилган нисбатан самарали халқаро нормалар ишлаб чиқиш” (18-банд) дан иборат.

Илмий адабиётларда ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги расмий талабни ижро этишнинг реал аниқ муддати сифатида расмий талаб, у жўнатилган давлат Марказий органига келиб тушган пайтдан бошлаб, бир ой қилиб белгилаш таклиф этилмоқда¹. Бунда, башарти, топшириқ ўз вақтида бажарилмаса, расмий талаб жўнатилган давлат жиноят иши бўйича топшириқларни ўз вақтида ижро этилмаганлик сабаблари тўғрисида расмий равища ёзма хабар бериши керак. Бу ҳолат расмий талаб жўнатаётган давлатнинг мансабдор шахсига мазкур маълумотга ҳавола этган ҳолда жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддатини ошириш учун хизмат қиласди. Бироқ бирор бир қонунчилиқда бу ҳақдаги тегишли норма белгиланмаганлиги сабабли амалиётда бундай хабар бериш ҳоллари деярли учрамайди.

Давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик биринчи навбатда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга

¹ Российский следователь//2006 г №6 60-62 Стр.

оширилиши керак. Ҳукуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликда қўйидаги икки асосий ҳукуқий шаклдан фойдаланилади:

- 1) Шартнома-ҳукуқий ёки конвенционал (мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномаларнинг тузилиши ва амалга оширилиши);
- 2) Институционал (Умумий халқаро ташкилотлар, шунингдек, минтақавий характерга эга бўлган – БМТ, Интерпол, Европа Иттифоқи, Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотлари доирасида ҳамкорлик)¹.

Хозирги вақтда халқаро миқёсда институтлар тизими шакллантирилган бўлиб, уларнинг ваколатлари маълум даражада жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти халқаро миқёсда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб соҳасидаги халқаро ташкилотdir. БМТ Уставининг 1-моддасида унинг мақсади халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб - қувватлаш ва шу муносабат билан тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, агрессия ёки дунёнинг бошқа бузғунчиликларини бартараф этиш, адолат ва халқаро ҳукуқ тамойилларига мувофиқ, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, БМТ халқаро жиноятчиларга қарши қурашиб тамойилларини тартибга солувчи асосий ҳужжатларни ҳам қабул қиласди.

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб учун молиявий чораларни ишлаб чиқиши гурӯҳи (ФАТФ) Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб соҳасидаги энг муҳим маҳсус орган бўлган ФАТФ – жиноий даромадларни ювиш ва терроризмни

¹ Милякина Е.В: Правовые проблемы взаимодействия подразделений ОВД с компетентными органами иностранных государств по вопросам борьбы с налоговыми и иными экономическими преступлениями//Правоохранительные органы. 2006. №1; С.51

молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида жаҳон стандартларини ишлаб чиқиши билан шуғулланадиган хукуматларо ташкилот, шунингдек, миллий тизимларнинг Ушбу стандартларга мувофиқлигини баҳолашни амалга оширади.

ФАТФнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги асосий хуқуқий воситаси ҳужжатнинг 40-тавсияси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг мұқаддимасида айтилишича, ФАТФ хукуматларо орган бўлиб, унинг мақсади – жиноий даромадни легаллаштиришга қарши сиёсатни ишлаб чиқиши ва илгари суриш - жиноий йўл билан топилган маблағлар ноқонуний келиб чиқишини яшириш учун амалга оширилувчи молиявий операцияларни фош этади.

ФАТФ ҳозирда 34 мамлакат, хусусан, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка ва Осиёдаги асосий молия марказларини ва иккита ҳалқаро ташкилотни ўз ичига олади.

ФАТФ томонидан 2012 йилнинг июнь ойида қайта ишлаб чиқилган тавсиялар асосан қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Пул ювиш ва тероризмни молиялаштиришга қарши кураш сиёсати ва уни мувофиқлаштириш.
2. Жиноий даромадларни мусодара қилиш.
3. Тероризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш.
4. Профилактик чоралар.
5. Юридик шахсларнинг ошкоралиги.
6. Ваколатли органларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва бошқа институционал чоралар.
7. Ҳалқаро ҳамкорлик.

ФАТФнинг таркибий тузилишини таҳлил қиласиз, ФАТФнинг қарорларни қабул қилишнинг асосий воситаси йилига уч маротаба йиғиладиган Пленар мажлис эканлигига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек баҳолаш ва амалга ошириш бўйича; типология бўйича; тероризмни

молиялаштиришга ва легаллаштиришга қарши курашиш; халқаро ҳамкорлик шарҳи бўйича ишчи гурухлари ҳам фаолият юритади.

ФАТФнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилмайдиган ва халқаро миқёсда кам ҳамкорлик қиласидиган давлатларни ўз ичига олган “Қора рўйхат”и бўлиб, бугунги кунда унга Корея Халқ Республикаси ва Эрон киритилган.

3. Интерпол.

Халқаро миқёсда жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланадиган яна бир халқаро орган - бу халқаро жиноий полиция Интерпол бўлиб, унинг фаолиятини тартибга солувчи Низомнинг 2 моддаси унинг яратилиш мақсадларини белгилайди:

- а) мамлакатларнинг амалдаги қонунчилиги доирасида ва инсон хуқуқлари умумжаҳон декларатсияси руҳида жиноят полициясининг барча органларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш;
- б) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни муваффақиятли амалга оширадиган муассасаларни яратиш ва ривожлантириш.

4. Молиявий разведка бирликлари.

Эгмонт гуруҳи-пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва бошқа молиявий жиноятларга қарши курашда ҳукуматларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш учун бутун дунё бўйлаб фаолият юритувчи молиявий разведка бирлиги ҳисобланади.

Ривожланиш, ҳамкорлик ва тажриба алмашиш миссиясини бажариш учун Эгмонт гурухи томонидан бешта ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, улар тўғридан тўғри Эгмонт гурухи раисига фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботлар бериб боришиади. Айни пайтда, бутун дунё бўйлаб "Эгмонт" гурухига киравчи 127 молиявий разведка бўлимлари ташкил этилган.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги халқаро қонунчиликни инвентаризация ўтказиш ва баҳолаб бориш мобайнида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- а) Бажарилиши мажбурий бўлган мулкни қайтариш тўғрисидаги расмий талабни ишлаб чиқиш;
- б) Солик, божхона соҳасидаги жиноятларни ва валюта соҳасидаги қоидаларни бузишга оид бўлган ҳукуқбузарликларни биргаликда жиноят сифатида эътироф этиш ва унга қарши курашда ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш;
- в) “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” жиноятининг ягона тушунчасини ишлаб чиқиш ва бу бўйича унга қарши курашнинг механизмларини яратиш;
- г) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг таркибий қисмини ташкил қилувчи жиноят қонунчилигига “солик фирибгарлиги” тушунчасини ажратиб кўрсатиш ва тегишли давлатларнинг бу борадаги жиноят қонунчиликларини қайта кўриб чиқиш.

Юқорида биз жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳукуқий асосларини тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хulosаларга келдик:

Биринчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик масалалари ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни шартли равишда икки гурухга бўлган ҳолда таҳлил қилинди;

Иккинчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш мобайнида 1990 йилнинг 8 ноябрида Страсбургда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш, хибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисида”ги Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф асослаб берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пул воситаларини легаллаштиришга қарши кураш бўйича глобал Дастури маълумотларига

кўра, пул воситаларини легаллаштириш бўйича дунёда ҳар йили 500 млн.дан қарийб 1 миллиард долларгача пул воситаларини легаллаштиришга қаратилган фаолият аниқланади¹.

Конвенцияга мувофиқ Ушбу Конвенцияга аъзо бўлган тарафлар бир-бирлариға ҳар қандай шаклдаги миллий қонунчилик рухсат берадиган ўзаро хукуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Мазкур Конвенцияда тарафларнинг банк сирига ҳавола қилган ҳолда ўзаро хукуқий ёрдам кўрсатишни рад этишлари мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Активларни қайтариш бўйича чоралар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳаракатлардан бири бўлиб ҳисобланади. ФАТФ ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тавсияларда Ушбу масалага муҳим эътибор қаратилган. Мазкур масалани самарали ҳал қилиш учун бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Жумладан, 40-тавсиянинг 38-бандига мувофиқ пулларни легаллаштиришдан ёки бундай жиноятларни содир қилишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган пул воситаларини аниқлаш, музлатиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги хорижий давлатлардан келиб тушаётган расмий талабларга жавоб бериш учун оператив чоралар қабул қилиш ваколатини бериш лозим.

ФАТФнинг 2003 йил октябр ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Россия, ФАТФ сингари, пулни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш учун Евросиё минтакавий гурӯхини (ЕАГ) ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Иштирокчи давлатларнинг ЕАГни ташкил этиш тўғрисидаги карори 2004 йил октябр ойида Москвада Таъсис Конференциясида кабул килинди.

Россиядан ташқари Ушбу гурӯхга Беларус, Козогистон, Кирғизистон, Хитой ва Тожикистон киради. Ҳозирда 20 та хорижий давлатлар ва халкаро ташкилотлар ЭАГ кузатувчилари хисобланади.

¹ Жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ишларнинг судлар томонидан кўрилиш хусусиятларига багишлиланган 2010 йилнинг 17-19 август кунлари Тошкент шахрида бўлиб ўтган судьялар учун минтакавий семинар материаллари. – Тошкент, 2010.

Евроосиё гурухининг асосий максади пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш ва халқаро тизимлар билан ахборот алмасиш оркали Ушбу тизимларнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Бу ўринда давлатларга қуйидагиларни амалга ошириш имконияти тавсия этилади:

- a) ўз худудида мусодара қилинган мулкнинг барчаси ёки маълум қисми ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа тегишли эҳтиёжлар учун фойдаланишга мўлжалланган мусодара қилинган активлардан фонд яратиш;
- б) мусодара қилинган мулкнинг бир қисмини бошқа давлатга бериш учун тегишли чоралар кўриш.

Биз юқорида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро ҳамкорликнинг жиноят-процессуал тартиби акс этган халқаро конвенционал ва умумэътироф этилган хужжатлар ҳақида танишиб чиқдик.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда 1990 йил 8 ноябрда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш, ҳибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенция”си алоҳида аҳамиятга эга бўлиб хисобланади. Мазкур Конвенцияга қўшилган мамалакатлар аллақачон ўзларининг миллий қонунчиликларига тегишли ўзгартиришларини киритдилар. Масалан, Буюк Британия юқоридаги Конвенцияга қўшилганидан сўнг у ерда 1994 йилдан буён шубҳали пул ўтказмалари ва бошқа операциялар тўғрисида тегишли тартибда хабар бермаган барча банк ходимлари жиноий жавобгарликка жалб қилиниб, уларга нисбатан 2 йилдан 14 йилгacha озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши ҳақидаги қонун амал қилиб келмоқда.

Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ

масалалар ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш мобайнида,

1990 йилнинг 8 ноябрида Страсбургда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш, ҳибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисида”ги Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф асослаб берилди.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш чора-тадбирлари куйидагилар:¹

республика ва ҳудудларда молия-банк тизимидағи ҳукуқбузарликларга қарши мувофиқлаштирилган кураш олиб бориш;

хукуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида қайд қилиш ва фош этиш мақсадида хизмат қўрсатиш ҳудудидаги банклар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш;

шунинг билан бир вақтда, Ушбу жиноятни олдини олишда куйидагиларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

хокимият ва бошқарув органлари ходимлари томонидан содир этилган жинояларнинг очилиши ва терговига;

давлат бюджетининг тақсимоти бўйича мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатига; уларнинг коррупциялашган алоқаларига;

давлат бошқарув органлари ва банкларнинг ходимлари ва раҳбарлари томонидан содир этилган порахурлик ҳолатларига;

легаллаштириш жинояти билан шугулланаётган банклар ва уюшган жиноий тузилмалар бўйича маълумотлар банкини яратиш;

чет эл вакили ва банклари иштирокидаги банк операцияларини қаттиқ назоратга олиш;

Молия-кредит муносабатларни криминал таъсиридан химоя қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

¹ Лилли, П. Грязные сделки. Тайная правда о мировой практике отмывания денег, международной преступности и терроризме. М. : Феникс, 2015. 400 с.

- а) асосий куч ва воситаларни молия-кредит муносабатлари соҳасини оператив қамровга олишга йўналтириш;
- б) иқтисодиётдаги криминал вазиятнинг ҳолати, интилиши ва прогнози билан боғлиқ ахборотларни ўз вақтида йиғиш, ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштиришни таъминлаш;
- в) ноқонуний битимлар, жиноий мақсадларда «бир кунлик» фирмаларни ташкил этиш ҳақидаги маълумотларни амалга ошириш ва тахлилларни олиш услугуб ҳамда шаклларини такомиллаштириш;
- г) давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликнинг савиясини ва самарадорлигини ошириш.

3.2. Хорижий давлатлар қонунчилигига жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари

Ҳар бир соҳада ислоҳот амалга ошириш олдидан албатта мазкур янгиликнинг жорий этиш истиқболлари ва ундан қутилаётган натижа ҳамда юзага келиши мумкин бўлган хавф-ҳатар таҳлил этилади. Хусусан, халқаро миқёсдаги ҳуқуқий стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёни ҳам ўзига ҳос тахлиллар асосида амалга оширилади. Бундай жараёнда энг тўғри йўл албатта бу соҳага оид хориж амалиёти ҳисобланади.

Россиялик олим Е.В.Хомицкий ўтган асрнинг 90-йилларида ноқонуний пул маблағлари ва даромадларга қарши кураш жиддий тус олгани, шу боис бу ишлар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар тузилгани, улар орасида Financial Action Task on money Laundering (FATF - ФАТФ) деб номланган ташкилот самарали ишлар қилганини, унда келтирилган таъриф бошқа давлатлар қонунчилиги учун асос қилиб олинганини қайд этади ва

Хиндистон, Бангладеш, Буюк Британия, Германия, Австрия, Франция ҳамда АҚШда мазкур атамаларга берилган таърифларни келтириб ўтади.

Бангладеш Республикасида: “пул ювиш” – бу ноқонуний воситалар орқали бевосита ёки билвосита хусусий мулкни қўлга киритиш ҳамда ноқонуний йўл билан олинган мулкни юридик йўл билан жўннатиш, конверция қилиш, жойлашган жойини яшириш деган маънони касб этади.

Хиндистон қонунчилигига “Пул маблағлари ювилишининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунига қўра, легаллаштириш бевосита ёки билвосита йўл очиб бериш ёки онгли ёрдам кўрсатиш ва ҳаракат қилишни ёки ҳар қандай жараён ёки фаолиятга интилишдир. Жиноий йўл билан олинадиган даромадлар билан боғлиқ ҳар қандай жиноят ва фаолиятга онгли таъсир қилиш ва уни қонуний мулк сифатида тақдим этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Буюк Британияда “ювиш” деганда нафақат пул, балки ҳар қандай иқтисодий, жумладан, номоддий бойликни легаллаштириш тушунилади. Банк соҳасида мажбурий тарзда назорат амалиётининг энг кам чегараси йўқ бўлиб, бу ҳар қандай амалиёт, миқдоридан қатъий назар, назорат қилиниши керак деган маънони касб этади. Жиноят натижасида олинган даромадларни легаллаштириш бўйича қилинадиган ҳар қандай ҳаракат қонун йўли билан жазоланадиган ҳисобланади. Молия ташкилотларининг ҳаракатсизлиги туфайли легаллаштириш мумкин бўлган ноқонуний даромадлар ҳам жиноий жазога тортилади¹.

Германияда “пул ювиш” ва ноқонуний йўл билан бойлик тўплаш бир хил жиноят сифатида қаралади. Бундай жиноят деганда, “турли жиноятлар, шу жумладан, Солик кодексига амал қиласлик ҳамда қайд этилган мол-мулкни сотиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш (келиб чиқиши ноқонуний эканлиги маълум бўлсада) натижасида қўлга киритилган бойликларни

¹ Beuck N. Effectiveness of international environmental regimes – case studies of the international commissions for the protection of the Rhine, Elbe, Oder and Lake Constance: Master thesis [Electronic resource]; Linkoping University. – Linkoping, 2004. – 99 p.

яшириш, уларнинг манбанини аниқлаш, мусодара қилиш ёки хатлашга тўсқинлик қилиш” тушунилади.

Шу каби, Австрияning легаллаштиришга қарши курашиш тизими ҳам Германия амалиётига яқин бўлиб, бунда легаллаштириш деганда ноқонуний даромадларни яшириш ёки келиб чиқишини никоблаш, сотиб олиш, саклаш, инвестицияга киритиш, тасарруф қилиш, ўзгартириш ҳамда пул, мол-мулкни учинчи шахсга ўтказиш (агар бу пул, мол-мулк, соликдан қочиш йўли билан қўлга киритилган бўлса) тушунилади¹.

Швейцария қонунчилигига кўра, легаллаштиришга “қонунга зид ҳаракат (қилмиш)лар натижасида олинган мулкий бойликларнинг келиб чиқишини аниқлашга ёки олиб қўйишга тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар” дея таъриф берилади.

Франция қонунчилигига эса “пул ювиш” жиноий ёки ножўя ҳаракат катнашчисига ҳар қандай йўл билан сохталаштириш имконини яратиш сифатида таърифланади. Бу жараён, шунингдек, жиноят ёки ножўя ҳаракатдан олинган даромадларни жойлаштириш, яшириш, ўзгартириш билан боғлиқ ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Америка қўшма штатлари қонунчилигига мувофиқ, легаллаштириш “ноқонуний йўл билан қўлга киритилган пуллар манбаи ёки уларнинг нимага йўналтирилганини яшириш мақсадида молиявий транзакцияларда қатнашиш” амалиёти сифатида қаралади. Ҳозирда АҚШда “пул ювиш” деганда, солик тўлашдан бош тортиш ёки сохта бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ ноқонуний ҳаракат натижасида олинган мол-мулк ёки бойликни ўтказадиган ҳар қандай молиявий транзакция тушунилади.

Юқоридагилардан фарқли равишда, Россия қонунчилигига, жиноий даромадларни легаллаштириш деганда жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларни эгаллашга, ишлатишга, тасарруф қилишга қонуний тус бериш тушунилади ва бунда солик тўлашдан

¹ Мирзаев Ф.И. Соликларни тўлашдан бўйин товлаш жиноий даромадларни легаллаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси – 2020 43-44 б.

бош тортиш билан боғлиқ жиноий даромадлар назарда тутилмайди. Сабаби, Россия Федерациясининг Жиноят кодексида солиқ тўлашдан бош тортишга оид алоҳида модда мавжудлигини қўриш мумкин. Унга кўра, солиқ тўланганлиги ҳақида декларация ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумот бериш солиқ ёки йиғинлардан бош тортиш хисобланади¹.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ҳалқаро нормалар XX аср охирларида кўплаб мамлакатлар томонидан улар қонунчилигига имплементация қилинди. Бунда Хитой, Япония, Сингапур каби Осиё мамлакатлари ҳамда Буюк Британия, Германия каби Европа давлатларининг тажрибаси кўплаб хорижий эксперталар томонидан тан олинди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш бўйича Европа Иттифоқининг ваколатли органлари бир қанча расмий ҳужжатлар қабул қилиш ва уларни ижросини таъминлашда дунё бўйича биринчилар қаторида бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунга қадар Ушбу жиноятни содир этувчи шахсларни аниқлаш, уларни топиш ва жазога тортишда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни ташкил этишга бағишлиган 4 та Директива Европарламент ва Европа Иттифоқи Консули томонидан тасдиқланганлигини қўришимиз мумкин. 1991 йилнинг 10 июнида Европарламент ва Европа Иттифоқи Консули томонидан “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида” Директива тасдиқланган бўлиб, унга кўра барча аъзо давлатлар ўз миллий қонунчилигига Ушбу Директивани имплементация қилиши жиноий даромадларни легаллаштиришдан уларнинг маҳаллий молиявий тизимларини ҳимоя қиласи.

¹ Хомицкий Е.В. Уклонение от уплаты налогов как составляющая легализации незаконных доходов// Экономический журнал. 2010. – Том 20, №4. – стр 53-57.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар юқоридаги Директивага кўра, қўйидагиларни ўзларининг миллий қонунчилик тизимларига имплементация қилишлари лозимлиги белгиланган эди:

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш таъкидланиши;
- Мижозлар идентификацияси тўлиқ текширилиши ва ёзувлар сақланиши;
- шубҳали олди-сотдилар текширилиши ва назорат қилиниши;
- молиявий амалиётлар билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳокимиятнинг тегишли ваколатли органларига шубҳалар тўғрисида хабар бериши;
- тергов давом этаётган пайтда шубҳалар, яъни шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши;
- ҳар кимнинг шубҳа тўғрисидаги хабари сирни ошкор бўлишидан ҳимояланиши;
- муассасалар ички назорат ва ходимларга таълим беришни талаб даражасида сақлаб туришлари ва бажаришлари лозим¹.

Шимолий Ирландия ва Буюк Британия Қўшма Қироллиги (бундан буён матнда Буюк Британия) жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келган. Лондон бутун дунёдаги асосий молиявий марказлардан бири бўлгани учун ҳам “пул ювиш” учун жуда қулай жой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Буюк Британия Халқаро молия ҳаракати гуруҳини ташкил этишда асосий ўринни эгаллаган ва ўз қонунчилигига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш атамасини 1986-йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилиш жинояти тўғрисида”ти Қонунга киритган давлат ҳисобланади. Бу Қонун орқали наркотик воситалар муомаласидан олинган жиной даромадларни легаллаштиришни чеклаган пайтида биринчи марта

¹ Doug Hopton “Money laundering a concise guide for all business” printed and bound in Great Britain by MPG Books Ltd. Bodmin, Cornwall, 2006 year.

молиявий ташкилотнинг гиёҳвандлик моддалари муомаласи ҳақидаги шубҳалар ва билимлар ҳақида ҳисоботга эҳтиёж сезилди.

Шу ўринда статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Буюк Британиянинг 17 тадан ортиқ банкларининг маълумот беришича, Лондонда россиялик жиноятчилар томонидан 590 миллион фунт стерлинг ёки 740 миллион АҚШ доллари миқдоридаги пуллар легаллаштирилган¹. Шунингдек, улар Россиядан ташқари Лондон ва Сингапурни бошқа бир қанча давлатларнинг жиноятчилар учун легаллаштириш учун энг яхши жой деб ҳисоблашган.

Евropa Иттифоқининг “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида”ги иккинчи Директива 2002 йилда, учунчи Директива эса 2006 йилда миллий қонунчиликка имплементация қилинди, бунинг натижасида олдинги бобда таъкидланган нормалар Буюк Британия худудида ҳам амалга киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этувчи навбатдаги ҳужжат бу 2003 йилда қабул қилинган ва кейинчалик бир неча ўзгартиришлар киритилган “Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш қоидалари” бўлиб, Ушбу ҳужжатнинг алоҳида жиҳати шундаки, у барча субъектларни қамраб олмаган яъни қуидаги субъектларга нисбатан идентификация ўтказиш, у билан боғлиқ бўлган битимни беш йил давомида саклаш, назорат ва рўйхатдан ўтиш каби мажбуриятлардан озод қилинган:

- Шотландиянинг Бош Аудитори;
- Уелснинг Бош Аудитори;
- Англия Банки (раҳбари);
- Бошқарувчи ва Бош Аудитор (Англия учун);
- Шимолий Ирландиянинг Бошқарувчиси ва Бош Аудитори;

¹ <https://www.standard.co.uk/business/dutch-lender-ing-investigated-in-money-laundering-case-a3496261.html>

- Олий суднинг расмий васийси, Олий суднинг ваколатли вакили сифатида иш юритганда;
- Хазина судланувчиси¹.

Қоидаларга қўра, мижоз тадбиркорлик фаолиятини янгидан ташкил этаётган пайтда, бир марталик пул ўтказиш билан боғлиқ операциялардан олдин, жиноий даромадларни легаллаштиришга оид шубҳа пайдо бўлганда (бундай вазиятда амалга оширилаётган операциядаги сумма аҳамиятга эга эмас), текшириш учун олинган маълумотларнинг аниқлигига ҳар қандай шубҳа пайдо бўлганда мижоз ҳақидаги ҳар қандай маълумотлар аниқланиши ва аниқланган маълумотлар мижоз резидент бўлган давлатдан олинган маълумотлар билан солиштирилиши лозим.

Бизга маълумки жиноий даромадларни легаллаштиришда казинолардан фойдаланиш энг кенг тарқалган усул бўлганлиги учун ҳам тадбиркорлик субъектларининг Ушбу турига алоҳида нормалар ўрнатилган.

Казиноларга киришдан олдин барча мижозлар рўйхатдан ўтиши, маълумотлар текширилиши лозим. Агарда мижоз 2000 евро ёки ундан кўпроқ миқдордаги пулга ўйин машиналарини фойдаланишга ёки фешкаларни сотиб олиши ёки сотиши, казинога масофадан туриб шунча миқдордаги пул ўтказмаларини амалга оширганда идентификация қилиниши лозим, бундай аниқ миқдорнинг белгилаб қўйилиши натижасида биринчидан, казиноларни барча мижозларни ўрганиш мажбуриятидан озод қилса, иккинчидан, белгиланган миқдордагидан кам миқдорда пул билан ўйнаётган мижозларнинг ортиқча вақтини тежашга эришилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, казиноларда ўйин комиссиялари тузилган бўлиб, Ушбу комиссия мижоз қанча миқдорда ўйин фишкаларини сотиб олганлигини, масофадан туриб қанча тўлов қилганлигини ва ўйин машиналари учун қанча

¹ Money laundering regulation 2007 year. Manbaa:http://www.legislation.gov.uk /uksi /2007/2157/ pdfs /uksi_20072157_en.pdf

тўлов қилганлигини ёзиб боради ва бунинг устидан назоратни амалга оширади¹.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш учун юқоридаги каби тартиб-таомиллар ўрнатилишига қарамасдан кўплаб жиноятчилар ноқонуний равишда нақд пулларни олиб ўтишга ҳаракат қилмоқда, 2018 йилнинг апрел ойидан ва 2019 йилнинг март ойигача бўлган муддатда 2.17 миллион евро, 2.34 миллион фунт стерлинг, 788 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта Буюк Британия чегараларидан олиб ўтилишига ҳаракат қилинган, олиб қўйилган ва мусодара этилган². Бу фақатгина аниқланган миқдорлар эканлигини унутмаслик лозим, чунки барча жиноятлар ҳам аниқланавермайди.

Шу ўринда жиноий даромаларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш ваколати берилган Буюк Британиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектларига тўхталадиган бўлсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар 3 та босқичда амалга оширилиши билан аҳамиятли ҳисобаланди. Биринчи босқич маҳаллий бўлиб, уларга 43 та полиция бўлимлари киради. Иккинчиси минтақавий бўлиб, бу босқич қуидагиларни қамраб олади, яъни: Англия ва Уелсда 9 та минтақавий жиноятлар бўлимлари, Активларни тиклаш агентлигининг минтақавий бўлимлари, Қироллик прокуратура органларининг минтақавий бўлимлари кирса, учунчи босқичга Миллий жиноят агентлиги, Миллий қироллик прокуратураси, Жиддий фирибгарликлар билан ишлаш бўлими каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлар киришини қўришимиз мумкин. Юқоридаги барча ташкилотларнинг фаолияти Бош Прокурор томонидан тайинландиган Миллий қироллик прокуратурасининг раҳбари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

¹ Money laundering regulation 2007 year. Manbaa: http://www.legislation.gov.uk/ukssi_2007/2157/pdfs/ukssi_20072157_en.pdf

² UK national risk assessment of money laundering and terrorist financing. 2015 oktabr. Manbaa: www.gov.uk/government/publications

2015 йилнинг феврал ойида Британия банклари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш учун ягона марказ ташкил этишган бўлиб, бу орқали тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва давлат органлари ўргасида ҳамкорликни ошириш натижасида жиноятлар содир этилишининг олди олинишига эришилиши мумкин.

Навбатдаги таҳлил этилиши лозим бўлган давлат бу Франция Республикаси бўлиб, Базел қўмитаси томонидан тайёрланган 2017 йилги статистик маълмотларга кўра, Франция 2017 йилда 146 та давлат ичидан 4.52 балл билан 128-уринни эгаллаган ҳамда Халқаро молия ҳаракати гурухининг “қора” рўйхатидан ўрин олмаган. Шу ўринда Базел Қўмитаси баҳолаш тизимиға тўхталиб ўтсак, унга кўра мамлакатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг сони қанчалик кам бўлса, шунча кичик балл қўйилади, яъни балл қанча кичик бўлса, мамлакатда вазият шунча яхши эканлигини англатади. Юқоридаги маълумотлардан билишимиз мумкинки, Франция хукумати жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши кураш бошқа давлатлардан қолишмайди. Мисол учун Франция собиқ Президенти Франсуа Миттеран Халқаро молия ҳаракати гурухини тузиш ташабbusи билан чиқсан. Шунингдек, Франция Халқаро молия ҳаракати гурухининг барча тавсияларини ўз миллий қонунчилигига имплементация қилишда дунё бўйича етакчи давлатлардан биридир.

Палермо ва Вена конвенциялари ратификация қилинган бўлиб, Ушбу ҳужжатларда талаб қилинган нормалар француз миллий қонунчилигига ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин¹.

Бизга маълумки, Франциянинг Жиноят кодекси дунёдаги дастлабки жиноят кодексларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг 4-боби жиноий даромадларни легаллаштриш жиноятига атрофлича таъриф бераб

¹ Венская конвенция 1988 г. и Конвенция Совета Европы «Об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности» 1990 года

ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу боб икки қисмга бўлинган, яни биринчи қисмда жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг умумий тавсифи ва содир этган шахсларга жазо тайинлашга оид нормалар ўз аксини топган бўлса, иккинчи қисмда чет эл фуқароларига ва юридик шахсларга нисбатан жавобгарлик асослари белгиланган. 324¹-моддасида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қўйидагича: “Жиноий даромадларни легаллаштириш – тўғридан-тўғри ёки билвосита унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятлар натижасида қўлга киритилган ҳар қандай мулк ёки даромадни келиб чиқишини яширишга қаратилган ҳар қандай қилмиш;

Жиноий даромадларни легаллаштириш – унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятлар натижасида қўлга киритилган ҳар қандай мулкни бевосита ёки билвосита инвестиция қилиш, бошқасига алмаштириш, яширишни ҳам қамраб олади; Юқоридаги қилмишлар учун айбдор шахс 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 375 минг евро миқдоридаги жарима билан жазоланади”¹, - таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу нормадан кўришимиз мумкинки, ҳам озодликдан маҳрум қилиш, ҳам жарима жазоси бир вақтнинг ўзида қўллаб келинмоқда, бу ҳам жазонинг таъсирчанлиги ва жазо орқали кўзланган мақсадга етишишга амалий ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, юқоридаги норма давом эттирилган ҳолда 324²-моддасида қўйидагича: “Жиноий даромадларни легаллаштириш доимий фаолият ёки профессионал соҳалар (кредит ташкилотлари ёки шу каби маҳсус субъектлар) хизматидан фойдаланиш орқали, қуролли гурӯҳ билан ҳамкорликда ёки унинг ёрдамида содир этилган бўлса, 750 минг евро жарима ва 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”², - норма берилганки, Ушбу норма орқали биринчи марта жиноят сидир этган шахс ва ўзига Ушбу фаолиятни касб қилган шахс билан бир хил жаобгарликка тортилиши хавфини камайтириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат

¹ Франция Жиноят кодекси 324¹-моддаси. http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm.

² Франция Жиноят кодекси 324²-моддаси. http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm.

қилишини кўришимиз мумкин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида таъкидланган норманинг юқоридаги нормадан бир қанча фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардир:

Биринчидан, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганлиги билан боғлиқ жиҳатлар очиқ қолган;

Иккинчидан, санкция қисмида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган, ваҳоланки Франция Жиноят кодексида ҳам жарима, ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазолари биргаликда қўлланилиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Учинчидан, Франция Жиноят Кодекси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган (Франция худудида доимий яшамайдиган) шахсларга асосий жазо билан бирга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ қўшимча жазо тури ҳам белгиланган бўлиб, миллий қонунчилигимиизда бу жиҳати ёритилмаганлигини кўриш мумкин.

Франция Жиноят кодексининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар фақатгина жисмоний шахслар эмас, балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Буни қўйидагича нормада: “Ушбу Кодекснинг 324¹ ва 324²-моддаларида таъкидланган жиноятлар юридик шахслар томонидан содир этилган бўлса, юридик шахсга ҳам жарима жазоси тайинланади”¹. Аммо бунда бир қанча чекловлар мавжуд бўлиб, яъни юридик шахсларга нисбатан қўлланилган жарима миқдори легаллаштирилган суммадан беш баробаргача бўлган миқдорда белгиланса, жарима жиноят содир этилган шахс томонидан тўланади, аммо бунда айбор 1 000 000 евродан ортиқ миқдорда белгиланган жаримадан озод қилиниши мумкин, бундай жарима юридик шахснинг ҳисобидан қопланади. Жазо тизимининг бундай мураккаб бўлиши баъзан қийинчиликларга олиб келса-да, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда иштирок этган шахсларнинг барчасини жазога тортишга хизмат қилиши билан аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, биз таҳлил этаётган ҳужжатда

¹ Франция Жиноят кодекси 324⁹-моддаси. http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm.

жиноят чет эл фуқаролари ёки Франциянинг резиденти ҳисобланмайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилишини ҳам қамраб олганлигини кўришимиз мумкин. Агарда жиноят юқорида таъкидланган шахслар томонидан содир этилса, жарима ва озодликдан маҳрум қилиш билан бир вақтнинг ўзида 10 йилга ёки абадий муддатга мамлакат ҳудудига кириш тақиқланиши мумкин, бунинг натижасида чет элда топилган жиноий даромадлардан миллий иқтисод ҳимоя қилинишига эришиш мумкин. Шунингдек, Франциянинг Пул ва Молия кодексининг 574³-моддасига қўра, жиноий фаолиятдан олинган ҳар қандай даромад музлатилиши лозим¹, буни кредит ва молия ташкилотлар томонидан амалга оширади.

Мулкнинг ўзгаришига олиб келадиган операциялар ҳақида қўйидаги ташкилотлар Молия ва Иқтисодиёт вазирлигининг жиноий даромадларни легаллаштириш бўлимига хабар беришлари лозим.

Ушбу шахслар ва ташкилотларга қўйидагилар киради: банклар ва кредит муассасалари; суғурта компаниялари; инвестиция корхоналари; кўчмас мулк билан шуғулланувчи ташкилотлар; казино бошқарувчилари; аудиторлар ва эксперtlар бухгалтерлари; спорт агентлари; тадбиркорлик субъектларининг инвестициялар бўйича маслаҳатчилари².

Буюк Британия қонунчилиги ва Европа Иттифоқи ҳужжатларида таъкидланмаган спорт агентликлари, яъни букмекерлик фаолияти Франция қонунчилигида инобатга олинган, бу ҳам унинг қонунчилиги қанчалик кенг ва қамровли эканлигидан дарак беради.

Юқорида таъкидланган субъектларга юклangan мажбуриятлар масъулият билан бажарилса, жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти натижасида иқтисодиётга етказилаётган заарнинг камайишига эришилиши мумкин, бунинг учун шахсни қонунларга бўйсуниш билан бирга уларга нисбатан хурмат руҳида ҳам тарбиялашга ҳаракат қилиш лозим.

¹ Monetary and Financial code of France article 574-3-modda Manbaa: https://www.imolin.org/imolin/amlid/data/fra/document/monetary_and_financial_code_-_regulatory_part.html

² Monetary and Financial code of France article 574-3-modda Manbaa: https://www.imolin.org/imolin/amlid/data/fra/document/monetary_and_financial_code_-_regulatory_part.html

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Германия ҳам жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда илғор давлатлар сафида турсада, 2016 йилда унга Базел Қўмитаси томонидан 5.33 балл билан 92-ўрин берилди¹, натижада Ўзбекистондан ўнта давлат пастда эди, аммо 2017 йилга келиб

4.78 балл билан 121 ўринга тушган бўлса², Ўзбекистон эса 6.09 балл билан 71-ўринга кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Германия Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан бири бўлиб, бу давлат Европа Иттифоқининг барча Директиваларининг унда таъкидланган муддатларда миллий қонунчиликка имплементация қилишга ҳаракат қиласди. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётини жиноий даромадларни легаллаштириш натижасида жалб қилиниши мумкин бўлган капиталдан асосли равишда ҳимоя қилишини кўришимиз мумкин. 2016 йилнинг 26 июнида Европанинг Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги тўртинчи Директиваси Германия миллий қонунчилигига имплементация қилинди, натижада Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонунга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ушбу қонун жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашни таъминловчи асосий қонун ҳужжати бўлганлиги сабабли унга атрофлича тўхталишни лозим деб топдик.

Германия Жиноят кокексининг 261-моддаси жиноий даромадларни легаллаштириш ва даромадларни қонундан яшириш жиноятига қуидагича: “Ноқонуний хатти-ҳаракатлардан келиб чиқсан мулкнинг ҳар қандай шаклини яширган, мулкнинг келиб чиқишини яширган, мулкни топиш, мусодара қилинишига қаршилик қилган ҳар қандай шахсга нисбатан уч

¹ Basel AML Index 2016 Report manbaa: https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2016.pdf

² Basel AML Index 2017 Report manbaa: https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2017.pdf

ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади”¹, - норма билан таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин, Ушбу нормада таъкидланган ноқонуний хатти-ҳаракатлар дейилганда унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар киради. Агарда шахснинг ҳаракатлари солиқдан қочиш, солиқни яшириш билан боғлиқ бўлса, шахс асосий жазо билан бир вақтнинг ўзида қўшимча тариқасида тўланмаган солиқ ҳам тўланиши шарт.

Германиянинг “Жиноий даромадларни легалаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қўйидаги субъектлар жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига оид шубҳа пайдо бўлганда Федерал жиноят Полициясининг Молиявий разведка бўлимига хабар бериши белгиланган:

1. кредит ташкилотлари;
2. молиявий хизматлар муассасалари;
3. молиявий корхоналар;
4. суғурта компаниялари;
5. суғурта воситачилари;
6. активларни бошқариш компаниялари;
7. адвокатлар палатаси аъзолари, адвокатлар ва нотариусларнинг адвокатлари, юрист маслаҳатчилари, ўз mijozлари учун қўйидаги операцияларни режалаштиришда ёки амалга оширишда иштирок этганда:
 - а) кўчмас мулкни ёки тижорат корхоналарини сотиб олиш ва сотиш;
 - б) пул, қимматли қоғозлар ёки бошқа активларни бошқариш;
 - в) банк, жамғарма ёки қимматли қоғозлар ҳисобини очиш ёки бошқариш;
 - д) компанияларни ёки ширкатларни ташкил этиш, улар фаолиятини бошқариш ёки бошқариш мақсадида маблағларни ташкил этиш;

¹ Criminal code of Germany 261 article resource: https://ec.europa.eu/anti-trafficking/sites/antitrafficking/files/criminal_code_germany_en_1.pdf

- е) банклар, ширкатлар ва шунга ўхшаш тузилмаларни яратиш, бошқариш ёки уларнинг мижозлари номидан ва ҳисобидан молиявий ёки кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошираётган бўлса;
8. аудиторлар, уставлар, солиқ маслаҳатчилари ва солиқ агентлари;
 9. кўчмас мулк бўйича агентлар;
 10. казинолар;
 11. онлайн қимор ўйнаш операторлари ва брокерлари;
 12. товарлар савдоси билан шуғулланадиган жисмоний ёки юридик шахслар¹.

Шунингдек, мижозларни идентификация қилиш билан боғлиқ жараёнда аниқланиши лозим бўлган маълумотлар белгиланган бўлиб, уларга қўйидагилар киради, яъни: мижознинг исми, фамилияси ва шарифи, туғилган вақти, фуқаролиги ёки доимий яшайдиган жойи, мулқдор ва мижоз иккита шахс бўлса, мулқдор ҳақидаги маълумотлар. Ушбу аниқланиши лозим бўлган маълумотлар субъектларнинг ички тизимлари, халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базалари орқали текширилиши лозим, бу талаблар Евropa Иттифоқининг “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молия тизимларидан фойдаланиши чеклаш тўғрисида” ги 4-Директивасини имплементация қилиш натижасида киритилган².

Германия худудида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини олдини олиш ва тъқиб этиш ваколати Федерал жиноий полициясининг Молиявий разведка бўлимига тегишли бўлиб, Ушбу бўлим биз таҳлил этаётган барча жиноятларни аниқланиши ва тергов қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Навбатдаги таҳлил этилиши лозим бўлган давлат бу Финландия давлати бўлиб, Халқаро молия ҳаракати гурухининг ҳисоботларига қараганда

¹ Money Laundering Act 2 article manba: https://www.bafin.de/SharedDocs/Veroeffentlichungen/EN/Aufsichtsrecht/Gesetz/GwG_en.html;jsessionid=733A2FE3164AFD41C5F8F849B7CE4696.2_cid381?nn=8379954#doc7863564bodyText21

² New German Money Laundering Act Introduces Beneficial Ownership Register (Transparenzregister) <http://www.jonesday.com/new-german-money-laundering-act-introduces-beneficial-ownership-register-transparenzregister-10-04-2017/>

жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти дунё бўйича Ушбу давлатда энг кам миқдорда содир этилар экан. 2017 йилги ҳисоботга кўра, Финландия 146 та давлат ичида энг охирги ўринни 4.03 балл билан банд этганлигини кўришимиз мумкин¹. Шунингдек, ушбу ҳисоботда Финландия 2014 йилдан буён бу ўринни банд қилиб келганлиги таъкидланган. Финландия қонунчилигига кўра, жиноий даромадларни легаллаштириш ижтимоий қилмиши жиноят сифатида Финландия Жиноят кодексининг 32-моддасида қуидагича: “Жиноий мол-мулк ёки жиноятлардан олинган мулқдан ўзи учун фойда олиш мақсадида бундай молни алмаштириш ёки бундай даромадларнинг ноқонуний келиб чиқишини яшириш ёки бекор қилиш ёки мол-мулкни ёки қонунбузарликдан қочишга ёрдам бериш учун олган, фойдаланган, мулкни шаклини ўзгартирган, бошқа шахсга жўнатган эгалик қилган шахс жиноий даромадларни легаллаштиришни содир этишда айбдор деб топилади, шунингдек, шахс мулкни асл характеристини, жойини, келиб чиқишини, манзилини яшириш ҳаракатлари ҳам жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти ҳисобланди ва Ушбу шахсга нисбатан 2 йиллик озодликдан маҳрум қилиш ёки жаримага тортилади”², - мазмунидаги норма билан ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу норманинг санкция қисмида таъкидланган жазо Франция ва Германия жиноят кодексларига қараганда камроқ, чунки Франция қонунчилигига кўра, ҳам жарима ҳам озодликдан маҳрум қилиш, Германияда эса беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашишни таъминлаш учун маҳсус қонун қабул қилинган, унда маҳсус субъектлар қуидаги вазиятларда мижознинг шахсини аниқлаши ва аниқланган маълумотларни текшириши лозим:

- 1) мижозлар билан муносабатларни ўрнатишда;
- 2) казинолар фаолияти билан боғлик бўлса:

¹ Basel AML Index 2017 Report manbaa: https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2017.pdf

² Criminal code of Finland manbaa: <https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>

- 3) шубҳали битим тузилган тақдирда;
- 4) 15 000 ёки ундан кўпни ташкил этган операцияларни бир марта ёки мунтазамлигидан қатъий назар;
- 5) агар илгари олинган тасдиқлаш маълумотларининг ишончлилиги ёки етарлилиги ҳақида шубҳалар мавжуд бўлса¹.

¹ Act on Detecting and Preventing Money Laundering and Terrorist Financing (503/2008; amendments up to 327/2013 included) manbaa: https://www.finlex.fi/fi/laki/kaannokset/2008/en20080503_20130327.pdf

ХУЛОСА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноягини квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари диссертацияси бўйича куйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хуносаларга келинди:

1. Юридик шахсларга нисбатан жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликка тортиш юзасидан хорижий давлатларнинг назария ва амалиётини таҳлил этиш лозимлиги аниқланди ва асослантирилди. Юридик шахслар учун жавобгарликни аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганликда юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларини қатъий ўрнатувчи меъёрларни киритмоқлик таклиф этилди. Хусусан, жиноят учун таъсир чораси сифатида ташкилотни тугатиш бўлиши лозим (“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддаларидаги сингари).

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси ва сарлавҳасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг номи ва таркибий қисмларида қўлланилган “жиноий фаолият” сўзлари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш кераклиги аниқланди.

“Жиноий фаолият” ибораси миллий қонунчилигимизда акс этмаган ва “жиноят” тушунчасини англатади. Шунингдек, “жиноий фаолият” атамасини икки ва ундан ортиқ жиноятлар, шунингдек, муентазам равишда содир этилаётган жиноятлар қаторида талқин этиш мумкинлиги билан алоқадор

баъзи бир хавотирлар мавжуд. Концептуал аппаратни умумлаштириш мақсадида МДХ давлатлари ва Евроосиё гурухи амалиётини ҳисобга олган ҳолда “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш тавсия этилади.

3. Қонун ва амалиётни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, интернетда статистик материалларни нашр этилишини таъминлаб, жиноий фаолият натижасида олинган маблағларни легаллаштириш ишлари бўйича мусодара қилишни жиноят-хукукий чораси сифатида қўллаш тўғрисидаги статистик маълумотларни мунтазам равишда тўплаб, таҳлил этиш таклиф этилади.

4. Банк ва бошқа кредит ташкилотлари учун ягона мафкуравий базани шакллантиришни давом эттириш, даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича молиявий ҳаракатлар бўйича гурӯҳ (ФАТФ) хужжатлари асосида қўрсатмалар ишлаб чиқсан ҳолда, мажбурий таълимни ташкил этиган ҳолда соҳа ходимларига (жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича малака ошириш курслари) ташкиллаштириш таклиф этилади.

5. Хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг зарур малакаси ва тайёргарлигига етарлича эътибор бериб, молиявий ва хукукий соҳалар бўйича билимларнинг этишмаслигини бартараф этиш ва ҳар йили ушбу тоифадаги ходимлар учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда малака оширишни таъминлаш лозимлиги аниқланди ва асослантирилди.

6. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун суд амалиётини даврий равишда умумлаштиришни давом эттириш, шунингдек, олинган материалларга асосан ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича таҳлилий ишларни олиб бориш лозимлиги аниқланди. Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича аноним ишлар тўпламларини нашр этишни ташкил этиш ва шу билан хукукий ва молиявий маълумотларга кириш имкониятини бериш таклиф этилган.

7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки олдини олиш учун қуидаги воситалардан фойдаланиш тавсия этилади:

- жиноий харакатлар бўйича самарали профилактика таъсирини таъминлаш учун хукуқий маърифий тадбирларни амалга ошириш;
- ноқонуний иқтисодиёт ва уюшган жиноятчиликнинг барча даражадаги ҳокимият ва бошқарув тизимиға кириб боришининг олдини олишга қаратилган давлат ташкилий ва бошқарув чоралари;
- жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш учун қонун лойиҳаларининг криминологик экспертизасини ташкил этиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан амалдаги легаллаштиришга қарши қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш;
- коррупцияга қарши курашиш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга оид хукуқий хужжатларни янада такомиллаштириш.
- Интернет-банкингнинг ривожланиши жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш учун янги имкониятларни очиб беради, шу сабабли Ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қуидаги чоралар таклиф этилади:
 - тўловчиларни идентификация қилиш тартибини кучайтириш;
 - шубҳали амалиётларни чеклаш ва мижозлар назоратини кучайтириш, шунингдек тўловларни назорат қилиш ва ҳисобот бериш;
 - банк ва банкдан ташқари мобил молиявий хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш.

8. Соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида молиявий тергов ўтказиш тартибини ҳамда предикат жиноятлар тоифасини белгилаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шу жумладан, бундай тоифадаги жиноятларни малакалашнинг ягона ёндашувини жорий этиш таклифи илгари сурилди.

9. Жиноят кодексининг 243-моддаси – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” тартибини қайта кўриб чиқсан ҳолда бу жиноятни Жиноят кодексининг З-қисмига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу таклифимиз долзарблиги Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Молдова сингари мамлакатлар жиноий-хуқуқий амалиёти ва бир қатор асослар билан ўз тасдигини топди.

10. Жиноят кодексининг 243-моддасини иккинчи қисм билан тоифаловчи белгилар билан тўлдириш таклиф этилади: бир груп шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда.

11. Модданинг учинчи қисмини тоифаловчи белгилар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: бир груп ёки жиноий уюшма, мансабдор шахс ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланувчи шахс томонидан уюшган, жуда кўп миқдорда.

12. Жиноят кодексининг 243-моддасини қуидаги иборали тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади: “Башарти, шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, агарда унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодикдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди”.

Хусусан, бундай иборадан фойдаланиш тажрибаси Қозоғистон давлатида мавжуд бўлиб, бу жиноят қонунчилигини либераллаштиришга ёрдам беради. Ушбу янгиликларнинг қабул қилиниши пулни легаллаштиришга қарши курашишда жиноий қонунчиликни яхшилайди ва Жиноят кодекси меъёрларини халқаро стандартлар ва энг яхши халқаро амалиёт билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.

13. Жиноят кодексининг 243-моддаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” моҳиятини кўриб чиққан ҳолда маҳсус шахс – мансабдор шахслар, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этган шахслар таркибини алоҳида белгилаш лозим бўлиб ҳисобланади.

14. Шарҳланаётган модданинг санкцияга муқобил жазолар киритилиши мақсадга мувофиқ, жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш каби жазолар кўзда тутилмоғи лозим.

15. Жиноят кодексининг 243-моддаси таркиби ўзгарганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2011 йил 11 февральдаги Қарорининг янги таҳририни кўриб чиқиш тавсия этилади.

16. Конун хужжатларини такомиллаштириш мақсадида “оммавий мансабдор шахс” атамасини қонун хужжатлари билан қайд этиш ва оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий мансабдор шахсларга яқин шахслар томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва

бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаб, кенгайтирилган мониторинг ўтказиш чора-тадбирларини белгилаш таклиф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 39 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.–Тошкент: Адолат, 2019. – 229 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.– Тошкент: Адолат, 2018. – 671 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. К.25. – Тошкент: Адолат, 2004. – 480 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё грухси тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни,. Халқ сўзи, № 241(5408). 2011 йил 14 декабр. – Б. 3-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103 ва 40-сонли қарорига илова. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари». "Ўзбекистон Республикаси Қонун Ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 45-сон, 495-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғига илова. «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ

бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари» "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 45-сон, 492-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Баш Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 13.10.2009 й. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил 45-сон 495-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Баш Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 44-сон, 472-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида"ги қарори. 20.02.2007 й. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 7-8-сон, 62-модда.

II. Асосий адабиётлар

1. Аверьянова Т.В, Р.С Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р. Россинская. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Заслуженного деятеля науки Российской Федерации, профессора Р.С.Белкина. - М.: Издательство группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С. 688.

2. Афанесьев Н.Н. Преступление в сфере экономической деятельности. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. М. 1998. С 290-291.

3. Бухарев В.Б., Трунцевский Ю.В., Шулепов Н.А. Зарубежный опыт в сфере правового регулирования противодействия легализации (отмыванию) доходов, приобретенных преступным путем.// Международное публичное и частное право. 2007. №4

4. Безценный А.П. Постатейный практический комментарий к Федеральному закону от 7 августа 2001 г. №115-ФЗ «О противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма» для работников кредитных организаций. М., 2005. С. 19-20.

5. Волженкин Б.В. Экономические преступления. С. 109.

6. Венская конвенция 1988 г. и Конвенция Совета Европы «Об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности» 1990 года

7. Волошко А.И. Взаимосвязь норм внутри государственного и международного права по обеспечению и защите личных и политических прав человека. Дис. на соискание уч. ст. канд. юрид.наук.-М., 1992.-с. 55.

8. Годовой отчет Специальной финансовой комиссии по проблемам отмывания денег за 1998-1999 гг. Приложение. Париж, 1999. С. 16-18.

9. Гаухман Л.Д. Максимов С.В. Уголовная ответственность за преступления в сфере экономике. М. 1996.

10. Драпкин Л. Я., Злоченко Я. М., Вафин Р. Р. Наркографик в современном мире: психофизиологические и нейрофизиологические методы исследований противодействия финансированию международного терроризма. Екатеринбург, 2003. С. 116.

11. Ф.Фазилов – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари” диссертация – Тошкент 2020.

12. Мирзаев Ф.И. “Жиноий даромадларни легаллаштириш ва тероризмни молиялаштиришга қарши курашнинг миллий тизими. /Ўқув қўлланма. / Ф.И.Мирзаев. / Бош прокуратура Академияси / Тошкент., 2019 й. 164б.

13. Мирзараимов И.М. “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши олдини олишнинг жиноят хукукий ва криминологик чоралари” Д. канд. юрид. наук. - Ташкент: ТГЮУ, 2003. -Б.124.

14. Неъматов Ж.А. Уголовно-правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности. Д. канд. юрид. наук. - Ташкент: Академия МВД РУз, 2002. - Б.150.

15. Зубков В., Осипов С. Российская Федерация в международной системе противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма / - 2-е изд., перераб. и доп. - Москва : Спецкнига, 2007. - 751 с.

16. Barnwell A.T. Multiple Measurement of International Regime Effectiveness: Comparative Study of the International Ozone Depletion Regime and Climate Change Regime:Master Thesis [Electronic resource]; NTNU. – Trondheim, 2011. – 87 p.

17. Beuck N. Effectiveness of international environmental regimes – case studies of the international commissions for the protection of the Rhine, Elbe, Oder and Lake Constance: Master thesis [Electronic resource]; Linkoping University. – Linkoping, 2004. – 99 p.

18. Kissel S. Financing Terror: An analysis and Simulation for Affecting Al Qaeda’s Financial Infrastructure: Dissertation [Electronic resource]; Pardee RAND Graduate School. –Sanata Monica, 2004. – 243 p.

III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар

1. Алиева В.М. Легализация (отмывание) доходов, полученных незаконным путем. Уголовно-правовое и криминологическое исследование: Монография. М: Институт современного права, 2001.С.16.

2. Алешкин А. И. Предмет доказывания и особенности оценки доказательств при расследовании преступлений, связанных с легализацией (отмыванием) денежных средств или иного имущества приобретенного незаконным путем. Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 .-М.: РГБ, 2003 121.ст.

3. Асланян Л.С. Противодействие легализации доходов, полученных преступным путем, и финансировании терроризма [Электронный ресурс]. – Ростов-на-Дону: VI Международная студенческая электронная научная конференция, 2014.

4. Ф.Мирзаев. “Жиной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимида молиявий разведка бўлинмасининг фаолияти ва унинг роли”. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси №2 (46) 2021.

5. А.Ақбутаев. “ARIN идораларро тармоқлари: жиной активларни қайтаришга қаратилган ҳамкорлик шакли” Нишуq va burch №7/2020

6. Дармилов А.М установление объективных субъективных признаков преступления как предмет доказывания в процессе расследования незаконного оборота наркотиков (теоретические и тактико-методические аспекты). Диссертация на соискание ученой степени канд. наук.-Краснодар. 1998. С.42-43.

7. Зимин В.П. Применять, применять и ещё раз применять // Моск. Журн. Междунар. Права. 1996. № 3 С. 258; Бастьяркин А.И. Взаимодействие внутригосударственного и международного права в сфере советского уголовного судопроизводства: Автореф. д-ра юрид. Наук. Л., 1997 С.22;

8. Silveira A.J.A. The International Standards on Combating Money Laundering: a Brazilian Perspective [Electronic resource]. – Washington, DC: The George Washington University 2009. – 36 p.

IV. Интернет манзиллари:

1. <http://www.lex.uz>;
2. <https://index.baselgovernance.org>;

3. <http://www.jonesday.com>;
4. <https://www.corporatefinancialweyeklydigest.com>;
5. <https://www.finlex.fi>;
6. <https://www.bafin.de>;
7. <https://www.imolin.org>;
8. <http://lexinter.net>;
9. <http://eur-lex.europa.eu>;
10. <https://www.legislation.gov.uk>.

ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА

Лойиха

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
қарши қурашиб билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим
қонун ҳужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрельда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 39-сон, 294-модда, 52-сон, 384-модда, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 51-52-сон, 498-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда, 17-18-сон, 171-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 401-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 16-сон, 116-модда, 117-модда, 28-сон, 263-модда, 37-38-сон, 366-модда, 39-сон, 390-модда, 391-модда, 52-сон, 513-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 171-модда, 37-сон, 402-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 20-сон, 147-модда, 21-сон, 161-модда, 38-сон, 329-модда, 51-сон, 482-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 03.05.2019 й.,

03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й.,
03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 31.08.2019 й.,
03/19/560/3677-сон; 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 06.11.2019 й.,
03/19/579/3994-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 23.01.2020 й.,
03/20/603/0071-сон, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 22.07.2020 й.,
03/20/629/1087-сон, 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон, 06.11.2020 й.,
03/20/645/1469-сон, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; 26.12.2020 й.,
03/20/658/1670-сон; 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й.,
03/21/673/0112-сон, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон; 30.03.2021 й.,
03/21/679/0256-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,
03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й.,
03/21/711/0825-сон, 05.10.2021 й., 03/21/719/0929-сон, 12.10.2021 й.,
03/21/721/0952-сон, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон; 07.12.2021 й.,
03/21/735/1141-сон; 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон; 12.03.2022 й.,
03/22/758/0207-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 12.04.2022 й.,
03/22/762/0290-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон, 01.06.2022 й.,
03/22/772/0460-сон) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 243-модда қўйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

“243-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш,—

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) қўп миқдорда;
- б) тақроран;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) мансаб мавқенини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса,—

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
 - б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
 - в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, агарда унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги қабул қилинган **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиш тўғрисидаги 660-Псонли қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда; 2007 й., 17-18-сон, 172-модда; 2009 й., 17-сон, 210-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) Қонунда қўлланилган “**Жиноий фаолиятдан**” сўzlари “**жиноий йўл билан**” сўzlарига алмаштирилсин;

2) 3-моддасига қуидаги тартибда янги таҳрирдаги тушунча киритилсин:

оммавий мансабдор шахс – фуқаролигидан қатъий назар қуидаги туркумларга мансуб бўлган жисмоний шахс:

- давлат миқёсидаги мансабдор шахс;
- мансабдор шахс;
- давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс;
- давлат ташкилотларида ёки давлатнинг квазиҳудудида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи шахс;
- қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органларига сайланувчи ва тайинланувчи шахслар, маъмурий ҳамда хорижий давлатларнинг қуролли кучларида хизмат қилувчи хизмат қилувчи шахслар;
- хорижий давлатлар учун бирор бир функцияни амалга оширувчи шахслар;

- халқаро шартнома ва келишувларга асосан ташкил этилган ташкилотларда бошқарув функциясига эга бўлган мансабдор шахслар.

Шунингдек, ушбу қонун ҳужжатига асосан, оммавий мансабдор шахсларнинг яқин қариндошлари ҳам улар билан тенг равища ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

3) қуидаги тартибда янги таҳрирдаги 24¹-модда билан тўлдирилсин:

24¹-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахснинг жавобгарлиги

Ташкилот суднинг қарори асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс сифатида эътироф этилади ва тугатилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси худудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.”

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар Палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирусин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз нормативхукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

**“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг
айрим қонун хужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига
ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ**

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ			
1.	<p>243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш</p> <p>Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасарруф этиши, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яшириш ёхуд сир сақлаш,—</p> <p>беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>243-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш.</p> <p>Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасарруф этиши, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яшириш ёхуд сир сақлаш,—</p> <p>уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) кўп миқдорда; б) тақорон; в) бир гуруҳ шахслар томонидан; г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса,— <p>уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш</p>	<p>Маълумки, “жиноий фаолият” атамаси миллий қонунчилигимизда акс этмасдан “жиноят” тушунчасини билдиради. Шунингдек, “жиноий фаолият” атамасини икки ва ундан ортиқ жиноятлар, шу билан бирга мунтазам равишида содир этилувчи жиноятлар сифатида талқин этиш мумкинлиги билан боғлиқ бир қатор ҳадиклар ҳам йўқ эмас. Концептуал аппаратни умумлаштириш мақсадида МДҲ давлатлари ва Евроосиё гуруҳи амалиётини инобатга олган ҳолда “жиноий йўл билан” атамасини қўлламоқлик тавсия этилади.</p> <p>Шунингдек, Қозоғистон Жиноят кодексида жиноий даромадни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик 218-моддада мустаҳкамланган, унда ҳам умумий, ҳам алоҳида субъект мавжуд. Бу ерда маҳсус иштирокчилар, масалан, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этган шахслар, мансабдор шахслар, масъул давлат лавозимини эгаллаган шахслардир. Шунингдек, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 174 ва 174¹-моддаларида маҳсус субъект</p>

	<p>билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб г) комп’ютер техникиаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. <p>Башарти, шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, агарда унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди.</p>	<p>ажратилган бўлиб, уларнинг таркибий қисмида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этган шахслар кўрсатилган.</p> <p>Шу жумладан, МДҲ мамлакатларида Молдова Республикасида маҳсус субъект бўйича намуна борлигини кўриш мумкин. Ушбу мамлакат Жиноят кодексининг 243-моддасида юридик шахсларга нисбатан жиноий даромадни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ва жазо сифатида катта жарималар, муайян фаолият билан шуғуланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки Ушбу юридик шахсни тугатиш кўзда тутилган.</p> <p>Хусусан, Жиноят кодексининг 243-моддасини иккинчи қисм билан тоифаловчи белгилар билан тўлдириш таклиф этилади: бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда.</p> <p>Шунингдек, модданинг учинчи қисмини тоифаловчи белгилар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: бир гурӯҳ ёки жиноий уюшма, мансабдор шахс ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланувчи шахс томонидан уюшган, жуда кўп миқдорда.</p> <p>Жиноят кодексининг 243-моддасини қўйидаги иборали тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади: «Жиноий даромадларни легаллаштирган шахс Жиноят кодексининг 243-моддаси биринчи қисмининг жиноий жавобгарлиқдан озод этилиши</p>
--	--	---

тўғрисидаги меъёрни жорий қилиш, агар у жиноятлардан келадиган даромадларни легаллаштириш тўғрисида ихтиёрий равишда хабардор қилса, агар унинг харакатларида Ушбу модданинг иккинчى ёки учинчи қисмларида назарда тутилган жиноят таркиби ёки бошқа жиноят бўлмаса».

Бундай иборадан фойдаланиш амалиётини Қозогистон ва Германия давлатларининг қонунчилигига учратиши мумкин. Бу эса ўз навбатида жиноят қонунчилигини либераллаштиришга ёрдам беради. Ушбу янгиликларнинг қабул қилиниши пулни легаллаштиришга қарши курашишда жиноий қонунчиликни яхшилайди ва Жиноят кодекси меъёрларини халқаро стандартлар ва энг яхши халқаро амалиёт билан уйғуллаштиришга ёрдам беради.

П. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 авгуустдаги қабул қилинган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги 660-П-сонли конуни

1.	Тўлдирилмоқда	<p>З-моддасига қўйидаги тартибда янги таҳрирдаги тушунча киритиш таклиф этилмоқда:</p> <p>оммавий мансабдор шахс – фуқаролигидан қатъий назар қўйидаги туркумларга мансуб бўлган жисмоний шахс:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат миқёсидаги мансабдор шахс; - мансабдор шахс; - давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс; 	<p>Биз юқорида таҳлил қилаётган модданинг субъекти ҳақида фикр юритар эканмиз, миллий қонунчилигимизда “оммавий мансабдор шахс” тушунчасини қонун хужжатлари билан белгилаш ҳамда оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва оммавий мансабдор шахсларга яқин шахслар томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан</p>
----	---------------	--	---

	<ul style="list-style-type: none"> - давлат ташкилотларида ёки давлатнинг квазихудудида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи шахс; - қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органларига сайланувчи ва тайинланувчи шахслар, маъмурий ҳамда хорижий давлатларнинг қуролли кучларида хизмат қилувчи хизмат қилувчи шахслар; - хорижий давлатлар учун бирор бир функцияни амалга оширувчи шахслар; - халқаро шартнома ва келишувларга асосан ташкил этилган ташкилотларда бошқарув функциясига эга бўлган шахс. <p>Шунингдек, ушбу қонун хужжатига асосан, оммавий мансабдор шахсларнинг яқин қариндошлари ҳам улар билан тенг равища хукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.</p>	<p>боғлиқ операцияларни аниқлаш ва кенгайтирилган мониторинг ўтказиш чоратадбирларини белгилашни таклиф этамиз.</p> <p>Хусусан, Қозогистон Республикасининг “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида “оммавий мансабдор шахс” тушунчаси қайд этилган бўлиб, унга кўра фуқаролигидан қатъий назар қуидаги туркумларга мансуб бўлган жисмоний шахс оммавий мансабдор шахс ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат миқёсидаги мансабдор шахс; - мансабдор шахс; - давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс; - давлат ташкилотларида ёки давлатнинг квазихудудида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширувчи шахс; - қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органларига сайланувчи ва тайинланувчи шахслар, маъмурий ҳамда хорижий давлатларнинг қуролли кучларида хизмат қилувчи хизмат қилувчи шахслар; - хорижий давлатлар учун бирор бир функцияни амалга оширувчи шахслар; - халқаро шартнома ва келишувларга асосан ташкил этилган ташкилотларда бошқарув функциясига эга бўлган шахс” тушунчаси қайд этилган бўлиб, унга кўра фуқаролигидан қатъий назар қуидаги туркумларга мансуб бўлган жисмоний шахс оммавий мансабдор шахс ҳисобланади:
--	--	---

			<p>бўлган мансабдор шахслар.</p> <p>Шунингдек, юқоридаги қонун ҳужжатига асосан, оммавий мансабдор шахсларнинг яқин қариндошлари ҳам улар билан teng равишда хукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.</p> <p>Шу билан бир қаторда, қонунчиликда “оммавий мансабдор шахс” тушунчасини жорий этиш молиявий хизматларнинг янги турлари ва молиявий ташкилотлар билан бир қаторда оммавий мансабдор шахслар бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш таваккалчиликларини доимий ва тизимли равишда баҳолаш имкониятини яратади.</p>
2.	“жиноий фаолиятдан”	Конун таркибида қўлланилган “жиноий фаолиятдан” сўзлари ўрнига “жиноий йўл билан” сўзларини қўллаш тавсия этилмоқда	<p>Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси ва сарлавҳасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида”ти Конунининг номи ва таркибий қисмларида қўлланилган “жиноий фаолият” сўзлари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш кераклиги аниқланди.</p> <p>“Жиноий фаолият” ибораси миллий қонунчилигимизда акс этмаган ва</p>

			“жиноят” тушунчасини англатади. Шунингдек, “жиноий фаолият” атамасини икки ва ундан ортиқ жиноятлар, шунингдек, мунтазам равища содир этилаётган жиноятлар қаторида талқин этиш мумкинлиги билан алоқадор баъзи бир хавотирлар мавжуд. Концептуал аппаратни умумлаштириш мақсадида МДХ давлатлари ва Евроосиё гурухи амалиётини ҳисобга олган ҳолда “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш тавсия этилади.
3.	Тўлдирилмоқда	<p>қўйидаги тартибда янги таҳрирдаги 24¹-модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда:</p> <p>24¹-модда. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахснинг жавобгарлиги</p> <p>Ташкилот суднинг қарори асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс сифатида эътироф этилади ва тугатилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикасидан ташқарида</p>	<p>Юқоридагилардан фарқли равища юридик шахсларни жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликка тортиш бўйича чет давлатларнинг назария ва амалиётини таҳлил қилиш лозимлигидан келиб чиккан ҳолда юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи меъёрларни киритиш таклиф этилади. Мисол учун, бундай жавобгарлиқда ташкилотни тугатиш бўлиши мумкин («Терроризмга қарши</p>

	<p>рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.”</p>	<p>кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддаларида каби).</p> <p>Шу жумладан, МДҲ мамлакатларида Молдова Республикасида маҳсус субъект бўйича намуна борлигини кўриш мумкин. Ушбу мамлакат Жиноят кодексининг 243-моддасида юридик шахсларга нисбатан жиноий даромадни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ва жазо сифатида катта жарималар, муайян фаолият билан шуғуланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки Ушбу юридик шахсни тугатиш кўзда тутилган.</p> <p>Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш ва қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига қўйидаги тартибда янги 24¹-моддасини қўшишни таклиф этамиз.</p>
--	---	--

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА
СУД АМАЛИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА
(янги таҳрирда)**

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиқсанлиги муносабати билан ҳамда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қилади:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш (бундан буён матнда — даромадларни легаллаштириш) жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жиноятчилик туғилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

2. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 243-моддасида назарда тутилган даромадларни легаллаштириш тариқасидаги жиноятнинг предмети бу жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, ушбу пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк уларни легаллаштиришдан олдин қасдан содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш (бундан буён матнда асосий жиноят деб юритилади) орқали топилади.

Асосий жиноятларга, жумладан, қуйидагилар киради:

шахсга қарши ҳақ эвазига содир этиладиган жиноятлар (масалан, ғараз ниятларда одам ўлдириш, фоҳишахоналар сақлаш, одам савдоси);

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (масалан, ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш

йўли билан талон-торож қилиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш);

ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолият тартибига қарши жиноятлар (масалан, пора олиш, қонунга хилоф равища мулкий манфаатдор бўлиш);

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (масалан, контрабанда, ўқотар қурол ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни, гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равища муомала қилиш ва х.к.).

Бунда бир ёки бир неча асосий жиноят содир этилганлиги, улар алоҳида бир шахс, уюшган гурух ёки жиноий уюшма томонидан, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа мамлакат ҳудудида содир этилганлиги, легаллаштирилаётган мулк содир этилган жиноят натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилганлиги аҳамият касб этмайди.

2.1. «Жиноий йўл билан олинган даромадлар» атамаси Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулқдан фойдаланиш натижасида олинган даромад ёки фойда (даромаддан даромад);

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки мол-мулк бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган (масалан, қўчмас мулкни жиноий йўл билан топилган қурилиш материалларидан барпо этиш);

жиноий йўл билан орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни қонуний манбалар ҳисобидан топилган мол-мулкка қўшиш йўли билан олинган мол-мулк. Бундай ҳолларда мол-мулкнинг фақат қўшилган пул суммаси ёки қўшилган мол-мулк қийматига тегишли қисмигина жиноий йўл билан топилган деб эътироф этилади.

Пул маблағларига миллий ёки чет эл валютаси тариқасидаги нақд пуллар, шунингдек нақд бўлмаган пул маблағлари, шу жумладан, электрон пуллар киради.

Бошқа мол-мулк деганда, кўчар ва кўчмас мулк тушунилиши лозим бўлиб, у мулкий ҳукуқлар, нарсалар, қимматли қоғозлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳукуқларни (интеллектуал мулк) ўз ичига олади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гурухининг (ФАТФ) 15-Тавсиясига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларга криpto-активлар (криpto-валюта) ҳам киритилиши мумкин»;

3. ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбор томонидан жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек, уларнинг асл хусусиятини, манбайнини, турган жойини, тасаррuf этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш йўли билан қонуний тус берилиши тушунилиши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, одатда, бундай пул маблағлари ёки мулкка нисбатан молиявий операцияларни амалга ошириш ва/ёки битимлар тузища ифодаланади.

Молиявий операцияларга пул маблағлари билан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар (нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса операциялари, шу жумладан, пул маблағларини ҳисобварагига киритиш, уларни турли банклардаги омонатларга бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини чегарадан ташқарига ўтказиш ва кейинчалик уларни банкдаги омонатга қайта тушириш ва х.к.).

Легаллаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга, фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга, шунингдек, фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлганлиги ёки ўтганлиги тасаввурини шакллантиришга қаратилган (масалан, олди-сотди, қарз, хадя, гаров, ижара, айирбошлиш ва х.к. шартномаларни тузиш) ҳаракатлар киради.

Қонун мазмунига кўра, жиноий йўл билан орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан ҳатто битта операция ёки битим амалга оширилган ҳолларда ҳам даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади.

3.1. Молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва х.к. ҳақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмагандан бир қисми бажарилган ёки хуқуқларнинг ҳеч бўлмагандан бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбор томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганилигидан қатъий назар, топширилган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, мулк билан фақат номигагина битим тузилган бўлиб, амалда у бўйича мулкни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) назарда тутилмаган бўлса, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят айбор ва бошқа шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган пайтдан (масалан, пул маблағлари жиноий йўл билан топилганлигини яшириш учун тузилган хизматларга ҳақ тўлаш

тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади»;

3.2. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш фактини исботлашда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк номига расмийлаштирилган учинчи шахсларда даромадларнинг қонуний манбалари мавжуд эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар шахс томонидан ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мажмуи билан бирга инобатга олиниши лозим.

4. Суднинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк келиб чиқишининг жинойлиги ҳақидаги хulosаси, жиноят ишидаги бошқа материаллар билан бир қаторда, қуйидагиларга асосланиши мумкин:

асосий жиноят бўйича чиқарилган айблок ҳукмига;

ЖПК 84-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ишнинг асосий жиноят бўйича тугатиш тўғрисидаги дастлабки тергов органи қарори ёки суднинг ажримига, башарти жиноят иши материалларида асосий жиноят ҳодисаси ва жиноят таркиби борлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса.

5. Судлар даромадларни легаллаштиришни жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқлашлари лозим. Жумладан, жиноят (масалан, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундан мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдига кўйилган мақсаддан) келиб чиқсан холда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкини талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни

олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, хужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин.

6. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиной фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини ҳал этишда, ҳар бир ҳолатда бу шахс мазкур мол-мулк жиной фаолият натижасида орттирилганлигини аниқ билган-билмаганлиги аниқланиши шарт. Масалан, агар шахс жиной фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олди-сотди шартномаси тузган бўлса ва оловчи сотувчидаги мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англаган ҳолда бу мулкни сотиб олса, оловчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ЖК 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳукм кейинчалик мулкни олди-сотди шартномаси фуқаролик суд ишларини юритиши тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Нотариус томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи била туриб тасдиқлаш учун фойдаланиши даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида (ЖК 28, 243-моддалари) билан, бунга асослар бўлганда эса, Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалари билан ҳам билан квалификация қилинади,

7. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига қўра, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга асосий жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак.

Агар шахсни ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблашга доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПК 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим,

8. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ЖК 243-моддаси 1-қисмида назарда тутлиган жиноят тегишли тартибда белгиланган кўп микдоргача бўлган ҳар қандай микдорда содир этилган ҳолларда ЖК 243-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида келтирилган “оммавий мансабдор шахс” томонидан ЖК 243-моддасида келтирилган жиноят содир этилган тақдирда шу модданинг 2-қисми “Г” банди билан, агарда модданинг бошқа қисми ва бандларида назарда тутилган жиноятлар таркиби мавжуд бўлганда қўшимча равишда бошқа қисм ва бандлари билан ҳам квалификация қилиниши талаб этилади.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, агарда шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилган тақдирда, унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди.

11. Даромадларни легаллаштириш жиноятини содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жазо белгилашда, судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида баён этилган тушунтиришларга қатъий риоя этишлари лозим.

12. Даромадларда легаллаштиришга кўмаклашувчи омиллардан бири жиноятларнинг ўз вақтида очилмаслиги эканлигини инобатга олган ҳолда, айбдор жиноят натижасида қонунга хилоф тарзда мулкни қўлга киритган ҳар бир ишни кўришда судлар бундай фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари керак.

13. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди даромадларни легаллаштиришга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари, бу тоифадаги ишлар бўйича суд қарорлари қонунийлиги ва асослиигини чуқур текширишлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.


Тошкент ш.,
2022 йил 25 июль,
3-сон

**Диссертация иши доирасида терговчи, судья, прокурор, адвокат,
суриштирувчи ва бошқалар ўтказилган**

**СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ
ТАҲЛИЛИ**

Диссертация иши доирасида **200** нафардан ортиқ респондентлар: терговчи, судья, прокурор, адвокат, суриштирувчи ва бошқалар ўтасида 6 та саволдан ва ҳар бир саволга 3 та жавоб вариантидан иборат бўлган сўров ўтказилди. Сўров натижалари суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг қайси лавозимда фаолият олиб бораётганлигини аниқлаш мақсадидаги саволга берилган жавоблар таҳлил қилинганда, респондентларнинг **71 %** ини терговчилар, **8,1 %** ини судьялар, **6,7 %** ини прокурорлар, **6,2 %** ини адвокатлар, **5,2 %** ини суриштирувчилар, **4,8 %** ини бошқалар: докторант, талаба ва ўқитувчилар ташкил этиши аниқланди.



1-диаграмма. Респондентларнинг лавозими бўйича тақсимоти

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш түғрисида”ги Қонунига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганликда юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларини ўрнатувчи меъёрларни киритмоқликнинг зарурлигига қаратилган саволга берилган жавобларга мувофиқ респондентларнинг 68,5 % и юридик шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш керак деб маълум қилишган бўлса, 21 % и бизнинг қонунчилигимизда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган фикрни билдирганлар. 10,5 % респондентлар эса бу борада бетарафликларини маълум қилганлар.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганликда юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларини ўрнатувчи меъёрларни киритмоқликни зарур деб ҳисоблайсизми?



2-диаграмма. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганликда юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларини ўрнатувчи меъёрларни киритмоқликни зарур деб ҳисоблайсизми?

Навбатдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси ва сарлавҳасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қурулини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуенинг номи ва таркибий қисмларида қўлланилган “жиноий фаолият” сўzlари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш фикрига қўшиласизми?” деган саволга респондентларнинг 72,4 % и “ха, қўшиламан, “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш мақсадга мувофик, чунки, хорижий давлатлар қонунчилигига ҳам шундай қўлланилган дея жавоб берган бўлсалар, 24,5 % и “жиноий фаолият” сўzlарининг ўзи қолгани маъқул, деган жавобни беришган. Иштирокчиларнинг 3,1 % и эса ушбу саволга бетарафлик йўли билан муносабат билдиришмаган.

“Жиноий фаолият” сўzlари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш фикрига қўшиласизми?



3-диаграмма. “Жиноий фаолият” сўzlари ўрнига “жиноий йўл билан” иборасини қўллаш фикрига қўшиласизми?

“Жиноят кодексининг 243-моддаси – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” тартибини қайта кўриб чиқкан ҳолда бу жиноятни Жиноят кодексининг З-қисмига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар тоифасига киритиш” таклифига нисбатан респондентларнинг муносабати ўрганилганда, улардан 59 % и ижобий муносабат билдириб, ушбу жиноятни иқтисодий жиноятлар тоифасига киритишни маъқуллаган, 41 % респондентлар эса ушбу таклифга салбий муносабатда эканликларини, бунга эҳтиёж йўқлигини билдирганлар.

Жиноят кодексининг 243-моддаси – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” жиноятини Жиноят кодексининг З-қисмига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар тоифасига киритиш таклифига нисбатан муносабатингиз?



4-диаграмма. Жиноят кодексининг 243-моддаси – “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириши” жиноятини Жиноят кодексининг З-қисмига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар тоифасига киритилиши таклифига нисбатан муносабатингиз?

“Жиноят кодексининг 243-моддасига қуийдаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи қисмларни (тоифаловчи белгилар билан тўлдирган ҳолда) қўшишни мақуллайсизми?” деган саволга 76,8 % респондент ўзларининг ижобий муносабатда эканликларини билдириган бўлсалар, 21,2 % респондентлар салбий муносабатда эканликларини маълум қилганлар. Колган 2 % респондентлар эса ушбу таклифга нисбатан бетараф позицияда эканликларини маълум қилганлар.

Таклиф:

Ўша ҳаракатлар:

- a) кўп миқдорда;
- б) тақроран;
- в) бир гурӯҳ шахслар томонидан;
- г) мансаб мавқенини суистеъмол қилиши йўли билан содир этилган бўлса,— уч йилдан беши йилгача озодликни чеклаш ёхуд беши йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:


- a) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) ўюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,

беши йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.



5-диаграмма. “Жиноят кодексининг 243-моддасига қуийдаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи қисмларни (тоифаловчи белгилар билан тўлдирган ҳолда) қўшишни мақуллайсизми?”

“Қонун хужжатларини такомиллаштириш мақсадида “оммавий мансабдор шахс” атамасини қонун хужжатлари билан қайд этиш ва оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий мансабдор шахсларга яқин шахслар томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаб, кенгайтирилган мониторинг ўтказиш чора-тадбирларини белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми?” дея номланган навбатдаги таклифга нисбатан респондентлар муносабати ўрганилганда, 66,4 % респондент ўзларининг ижобий муносабатда эканликларини, 7,6 % респондент эса салбий муносабатда эканлигини маълум қилган. 26 % респондентлар эса ушбу таклифга нисбатан ўзларининг фикрларини қуидагича билдириб ўтишган: “бунданда бошқачароқ ечим бериш зарур” (7%); “ҳеч қандай муносабат билдирмайман” (9 %); “”mansabדור шахс”нинг ўзи етарли эмасми?” (10 %).




6-диаграмма. “оммавий мансабдор шахс” атамасини қонун ҳужжатлари билан қайд этиши борасидаги таклифга муносабатингиз?

“Жиноят кодексининг 243-моддасини қуидаги иборали тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилмоқда:

“Башарти, шахс жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириши жинояти содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, агарда унинг қилмишида мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг таркиби бўлмаса унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиши тариқасидаги жазо чоралари қўлланилмайди”.

Юқорида келтирилган таклифга 71,5 % респондент “ҳа, юқоридаги фикрга қўшиламан” деб жавоб берган бўлсалар, 18,2 % респондент “йўқ, жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини содир этган шахсларга нисбатан имтиёзли нормаларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас” деган жавобни билдирган. 3,2 % респондент эса ушбу саволга нисбатан “жазо чораларини янада енгиллаштириш керак” дея жавоб берган. “Ушбу тўртинчи қисмни қайта кўриб чиқиш керак” (0,7 %); “бетараф” (6,4 %).



7-диаграмма. Жиноят кодексининг 243-моддасини янги тўртинчи қисм билан тўлдириши таклифи